



Амир Темур сиймоси нафакат ўзбек халки ўтмиши, балки бутун жахон тарихида ўчмас мухр бўлиб сакланиб колган. Сохибкирон ўз халкини ҳамда дунёдаги бошка мусулмонларни турли зулм-ситамлар ва озорлардан халос килиш билан бирга ислом динига хавф солиб турган кўплаб фитна ва бидъатларни ҳам бартараф килган. Сохта халифалик даъвоси ҳам шулар жумласидандир. Дархакикат, хозирда дунё ҳамжамиятига хавф солиб турган сохта халифалик ўтмишда ҳам долзарб муаммо саналган. Лекин ота-боболаримиз мазкур муаммони хали томир отмасиданок ижобий хал кила олганлар. Хўш, улар сохта халифаликни бартараф этишда кандай йўл тутишган? Буни машхур тарихчи Ибн Халдун [1] дан эшитамиз:

“Мен Сохибкирон Амир Темур хузурида бир неча кун истикомат килдим. Шу вақтларда кизик воқеа содир бўлди. Мисрга омонлик берилган куни Миср халифаларининг наслидан бўлмиш бир киши Сохибкиронга мурожаат билан чиқди. У аз-Зоҳир Байбарс [2] томонидан тайинланган халифа Ахмад ал-Хоким ал-Аббосий

[3] зурриётларидан эди. Мазкур киши Султон Амир Темурдан инсоф килишини ва ота-боболарининг мансаби бўлмиш халифаликни унга топширилишини талаб килди. Шунда Сохибкирон: “Мен бу масалани факих ва козиларга хавола киламан. Улар кандай хулосага келсалар, мен ҳам шуни сенга инсоф билан ҳукм киламан”, деди. Сохибкирон факих ва козиларни чақирди. Уларнинг орасида мен ҳам бор эдим. Халифаликни талаб килаётган мазкур киши ва биз олимлар Сохибкирон хузурига йигилдик. Сохибкироннинг таржимони Абдулжаббор ибн Нўъмон ал-Ханафий

[4] талабгорга шундай деди: “Бу инсоф мажлиси, гапир”. Мазкур даъвогар: “Бу халифалик бизга ва бизнинг ота-боболаримизга тегишли. Чунки саҳих ҳадисда: “Халифалик дунё тургунча Бану ал-Аббосникидир”

[5] , дейилган. Шу боис хозир Миср халифалигига энг лойик номзод менман”, деди. Абдулжаббор бизни бу масалага ойдинлик киритишга чорлади. Биз бир оз жим колдик. Сўнг Абдулжаббор яна бир бор: “Бу ҳадис хақида нима дейсизлар?”, деди. Шунда Миср козиси Бурхониддин Ибн Муфлих ал-Ханбалӣ

[6] : “Бу ҳадис саҳих эмас”, деб жавоб берди. Абдулжаббор мендан бу ҳақда сўради. Мен:

“Сизлар айтганингиздек, бу хадис саҳих эмас”, дедим. Шунда Соҳибкирон: “Ундай бўлса, нега хозирга қадар халифалик аббосийлар кўлида бўлган?”, деб менга савол назари билан юзланди. Мен: “Аллоҳ сизни кўллаб-қувватласин! Расулulloх (с.а.в.) вафотларидан сўнг мусулмонлар ўзларига раҳбар тайинланиши шарт ёки шарт эмаслиги борасида турли фиркаларга бўлиниб кетишди. Баъзи тоифалар бу шарт эмас, деган хулосага келишган. Хорижийлар

[\[7\]](#)

ҳам шулар жумласидан саналади. Бошқа тоифа мусулмонлар эса, диний ва дунёвий ишларни бошқариб туришда мусулмонларга раҳбар лозим, деган фикрни билдиришган. Лекин бу фикрларини исботлашда турлича йўл тутишган. Жумладан, шиалар

[\[8\]](#)

васият хадисига суянишган, яъни Расулulloх (с.а.в.) халифаликни Али (р.а.)га васият қилиб кетганлар, деган ақидага асосан, халифаликка фақат аҳли байт ҳақлидир, деб ўйлашган. Шу билан бирга, шиалар халифалик Али (р.а.)дан кейин қимга ўтганлиги борасидаги қарашларнинг хилма-хиллиги боис жуда кўп фиркаларга бўлиниб кетишган. Аҳли сунна эса, бир овоздан шиаларнинг бу васиятни инкор қилади. Уларнинг наздида халифалик ижтиҳод орқали амалга оширилади. Яъни, барча мусулмонлар (Қурайш қабиласидан бўлган) аҳли ҳақ, фақиҳ ва адолатли бир кишини танлашиб, унга ўз ишларини топшириш орқали халифани сайлашади

[\[9\]](#)

. Шиаларнинг юқоридаги ақидасига кўра, халифалик Бану Ханафия

[\[10\]](#)

дан Бану Аббос

[\[11\]](#)

га ўтган, яъни Абу Хошим Абдуллох ибн Муҳаммад ибн ал-Ханафия

[\[12\]](#)

халифаликни Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллох ибн Аббос

[\[13\]](#)

га васият қилган. Аббосийлар мазкур халифалик даъвосини ижро этиш мақсадида ўз даъватчиларини Хуросонга юборади. Бу ишни ўз зиммасига олган Абу Муслим

[\[14\]](#)

Хуросон ва Ироқни эгаллаб олади. Уларнинг бир гуруҳи Қуфага ҳам келади ва аббосийлар даъвоси асосчисининг ўгли Абул Аббос ас-Саффоҳ

[\[15\]](#)

ни халифа этиб сайлайдилар. Сўнг аббосийлар ўз халифалигини аҳли сунна ва шиа ижмоъси асосида барпо қилишга киришади ва ўша даврда Хижоз ва Ироқда яшаган аҳли хилл ва ақд

[\[16\]](#)

га шу мазмунда мактуб ёзиб, халифалик мансаби борасида маслаҳатлашиб олишга чақиради. Ҳамма олимлар бир овоздан Абул Аббос ас-Саффоҳ халифалигига рози бўладилар. Шу йўл билан шиаларнинг Қуфадаги тарафдорлари ижмо ва қон тўқиш йўли билан аббосийлар халифасига байъат қилишади. Кейинчалик халифалик Абул Аббос ас-Саффоҳнинг ақаси ал-Мансур

[\[17\]](#)

га ўтади. Ал-Мансур эса, халифаликни ўз ўғлига васият қилади. Шу тарзда халифалик аҳд (валиаҳд тайинлаш) ёки замона мусулмонларининг ихтиёри билан аббосийлар

сулоалари кўлига ўтади. Уларнинг охири вакили Багдод халифаси ал-Мустаъсим

[18]

бўлган. Хулаку халифа ал-Мустаъсимни енгиб, уни ўлдиргач, халифанинг кариндошлари хар тарафга таркалиб кетади. Халифа ар-Рошиднинг авлодидан бўлган Ахмад ал-Хоким бошчилигидаги бир қисми эса, Мисрга келади. Аз-Зохир Байбарс кўшин ва факихлардан иборат ахли хилл ва акднинг ёрдами билан Ахмад ал-Хокимни Мисрга халифа қилиб тайинлайди. Шу тарика Мисрда халифалик яна аббосийлар кўлига ўтади. Бу бор ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор қилмаган”, деб жавоб бердим. Шунда Амир Темур даъвогарга юзланиб: “Козилар ва муфтийларнинг сўзларини эшитдинг. Маълум бўлдики, фикримча, сен талаб қилган нарсанга ҳақиқат эмас. Шундай экан, обрўинг борида жўнаб қол”, деди”

[19]

Бу ҳикоянинг эътиборга молик жихати шундаки, халифа сайлаш масаласи Соҳибқирон Амир Темур бошчилигида Ахли суннанинг уч мазҳаби вакиллари иштирокида кўриб чиқилган. Яъни, ханафий олимлардан Абдулжаббор ибн Нўъмон ал-Ханафий (шунингдек, Амир Темур атрофидаги барча олимлар ханафий мазҳабида бўлишган), ханбалий олимлардан Миср қозиси Бурхониддин Ибн Муфлих ал-Ханбалий ва моликий мазҳаби намояндаси ва қозиси Ибн Халдун иштирокида мазкур талабгорнинг халифалик даъвоси сохта экани ошқор қилинган. Миср ўлкасида шофеъийлик мазҳаби кенг тарқалганини инобатга олсак, мазкур мунозарада шофеъий олимлар ҳам қатнашгани эҳтимолдан холи эмас. Мазкур уч уламо ахли суннанинг ахли хилл ва акд аъзолари ичидан танлаб олинган ахли ихтиёр сифатида масалага ойдинлик киритганлар. Ўтмишда рўй берган бу муаммо бугун яна такрорланмоқда. Ироқ ва Сурия давлатлари ҳудудида халифалик даъвоси ислом оламига раҳна солиб турган ҳамда бутун Ахли сунна, жумладан, дунёнинг 126 та энг нуфузли дин арбоблари томонидан бу халифалик кескин қораланаётган бир пайтда ўтмишимизга назар солиб, ундан ибрат олиш муҳим аҳамият касб этади.

Маллабаев Абдуллох

ТИУ Манбалар хазинаси

КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМИ

[1] Файласуф, тарихчи, ижтимоий илмлар билимдони ва тадқиқотчи олим Валийюддин Абу Зайд Абдурахмон ибн Мухаммад ибн Мухаммад ибн Халдун ал-Хазрабий ал-Ишбилиий (а.р.) Воил ибн Хажарнинг зурриётларидан саналади. Ибн Халдун асли ишбилиялик бўлиб, 732-хижрий (милодий 1332) йили Тунис шаҳрида таваллуд топган. Унинг болалиги ҳам шу шаҳарда ўтган. Ибн Халдун Фос, Гарнота, Талмисан ва Андалус шаҳарларига сафар қилган. У мазкур шаҳарларда турли мансабларда фаолият юритади. Бирок фитначи ва тухматчиларнинг игвоси сабабли Тунисга қайтиб келишга мажбур бўлади. Кейинчалик Мисрга йўл олади. Уни Миср султони аз-Зохир Баркук яхши кутиб олади. Ибн Халдун Мисрда моликийлик мазхаби бўйича козилик лавозимида иш бошлайди. Ибн Халдун ўз она шаҳрининг миллий либосларини саклаб қолиш максатида козилик либосларини қиймас эди. Кейинчалик Ибн Халдун мазкур мансабдан ҳам бўшайди ва 808-хижрий (милодий 1406) йили Кохира шаҳрида тўсатдан вафот этади. Ибн Халдун фасохатли, юз тузилиши чиройли, оқил ва она тилига садоқатли инсон бўлиб, адолатсизликдан нафратланиш ҳамда олий мартабалар сари интилиш унинг одати эди. Ибн Халдун султонлар олдида ҳам ўз мавқеига эга бўлган. Жумладан, Андалусга ташриф буюрганида Султон жуда шодланади ва уни кутиб олиш учун ўзининг махсус ходимларини юборади. Шунингдек, Сохибқирон Амир Темур ҳам уни каттик ҳурмат қилгани тарихий манбаларда ўз аксини топган. Ибн Халдуннинг “Ал-ибар ва дивон ал-мубтада’ ва ал-хабар фи тарих ал-араб ва ал-ажам ва ал-барбар” номли асари уни жуда машҳур қилиб юборади. Мазкур асар “Тарих Ибн Халдун” номи билан ҳам юритилади. Бу асар етти жилддан иборат бўлиб, биринчи жилди “Ал-муқаддима” деб аталади ва унда ижтимоий илмлар асоси хусусида сўз боради. Ибн Халдуннинг “Муқаддима”си ҳамда унинг бошқа жилдлари француз ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинган. Ибн Халдун “Ал-ибар” (Тарих Ибн Халдун) асарини “Ат-таъриф Ибн Халдун – муаллиф ал-китаб ва рихлатух гарбан ва шаркан” (Китоб муаллифи Ибн Халдуннинг таржимаихоли ва унинг гарб ҳамда шаркка сафари) номли фасл билан яқунлаган. Мазкур фаслда Ибн Халдун ўзининг насаби, сийрати ва ўзи яшаган даврда содир бўлган воқеа ва ходисларни баён қилади. Кейинчалик бу фаслни алоҳида китоб шаклида тасниф этган. Мана шу фаслда Ибн Халдун Сохибқирон Амир Темурнинг Мисрни тинч йўл билан эгаллаши, одил сиёсати ва теран фикрлари хақида сўз юритади. Айниқса, Амир Темур ва Ибн Халдун орасида бўлиб ўтган тарих мавзусидаги суҳбат эътиборга молик. Ибн Халдун Сохибқирон билан мунозара қилар экан, унинг тарих илми билимдони эканини эътироф этади. Шунингдек, Ибн Халдуннинг “Шарх ал-Бурда”, “Ал-Хисаб”,

“Рисала фи ал-мантик” ва “Шифа ас-саил ли тахзиб ал-масаил” номли асарлари ҳамда шеърлари бор. Унинг мазкур асарлари араб ва бошка миллатга мансуб котиблар томонидан кўп марта кўчирилган. Шу билан бирга, Ибн Халдуннинг сийрати ва ижодига багилшанган асарлар ҳам мавжуд. Мухаммад ал-Хизр ибн ал-Хусайннинг “Хаят Ибн Халдун” асари, Лата Хусайннинг “Фалсафа Ибн Халдун” асари, Сатиъ ал-Хусарийнинг “Дирасат тан мукаддима Ибн Халдун” номдаги икки жилдли асари, Мухаммад Абдуллох Анноннинг “Ибн Халдун: хаёту ва туросу ал-фикрия” асари, Юханно Кумайрнинг “Ибн Халдун” асари ва Умар Фарухнинг “Ибн Халдун” асари шулар жумласидан (Каранг: Хайруддин аз-Зириклий. Ал-аълам – Комус тарожим ли ашхар ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мусташрикин. Ж.3. – Байрут: Дар ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 330-331; Абдурахмон ибн Мухаммад ибн Халдун. Тарих Ибн Халдун. Ж.2. – Байрут: Дар Ибн Хазм, 2003. – Б. 5-6).

[2] Фатх, ахбор ва осорлар сохиби Рукнуддин аз-Зохир Байбарс ал-Алоий ал-Бундукдорий ас-Солихий 625-хижрий (милодий 1228) йили Кипчок юртида таваллуд топган. Кейинчалик асирга тушиб, Сивасда кул сифатида сотиб юборилган. Байбарс шу тарика Халабга, сўнг Кохирага келиб қолган. Кохирада уни Амир Алоуддин Айдикин ал-Бундукдор сотиб олади. Нажмуддин Айюб ас-Солих Кохирани эгаллагач, Байбарсни ўзига хос хизматкор қилиб олади ва уни кулликдан озод этади. Ас-Солих унга катта эхтиром кўрсатар, хатто унга Мисрдаги аскарлар отабеги унвонини ҳам беради. Музаффар Кутуз даврида Байбарс Фаластиндаги мўгилларга қарши Кутуз билан бирга жанг қилади. Кейинчалик кўшин лашкарбошлари билан тил бириктириб, Кутузни ўлдиради ва 658-хижрий (милодий 1260) йилда Миср ҳамда Шом салтанатини ўз қўлига олади. Байбарс дастлаб ўзи учун “ал-Кохир Абул-футухот” лакабини танлайди, кейинчалик бу лакабдан воз кечиб, “аз-Зохир” лакабини олади. Байбарс шижоатли ва каттиққўл инсон бўлган. У жанглarda шахсан ўзи иштирок этарди. Унинг мўгул ва салбчиларга қарши олиб борган жанглари тилларда дoston бўлган. Шунингдек, Байбарс фатх борасида ҳам улкан ютуқларга эришган. Жумладан, ундан олдинги кўплаб халифа ва султонлар эгаллай олмаган Навба ва Данкала шаҳарларини фатх қилишга муяссар бўлган. 659-хижрий (милодий 1261) йилда Байбарс хокимиятни Миср ўлкасига кўчиради. Бунинг сабаби шунда эдики, бир шахс ўзини Байбарсга аббосий халифалар зурриёти эканини исботлайди. Байбарс уни халифа этиб сайлаб, унга нафақа ажратади. Халифага минбарларда султондан олдин дуо ўқилиб, исми тангаларга зарб қилинади. Лекин унинг фақат “халифа” деган номи бор эди, холос. Амалда эса, бошқарув Байбарс қўлида бўлган. Байбарс хақида ривоят ва хабарлар жуда кўп. У 676-хижрий (милодий 1277) йили Дамашқда вафот этади. Макбараси “ал-Мактаба аз-зохирия” ёнида жойлашган. Мухаммад Жамолуддиннинг у ҳақда ёзилган “Аз-Зохир Байбарс ва ҳазорат Миср фи асрих” номли асари мавжуд (Каранг: Хайруддин аз-Зириклий. Ал-аълам – Комус тарожим ли ашхар ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибин ва ал-мусташрикин. Ж.2. – Байрут: Дар ал-илм ли ал-малайин, 1998. – Б. 79).

[3] Аббосийлар хонадонининг сўнги вакили ал-Мустаъсим Багдодда ҳалок бўлгач,

мўғиллар халифалик таркибидаги шаҳарларни эгаллаб олдилар. Натижада халифаликка номзод сулола вакиллари турли тарафга таркалиб кетадилар. Жумладан, 659-хижрий (милодий 1261) йилда Халифа аз-Зоҳирнинг ўгли Аҳмад бошчилигидаги араблар Мисрга келиб қоладилар. Аҳмад Халифа ал-Мустасъимнинг амакиси ва ал-Мустансирнинг укаси эди. Ўша пайтлар Миср ва Коҳирада Айюбийлар салтанати тугаб, ҳукуматни турклар сулоласининг учинчи вакили аз-Зоҳир Байбарс бошқараётган эди. Байбарс аббосийларни хурсандчилик билан кутиб олди. У саройда турли табака вакилларини йигиб, кози Тож Ибн Бинт ал-Агар бошчилигида мажлис ўтказди. Кози ўзи билан бирга келган араблар гувоҳлигида Аҳмаднинг аббосийлар сулоласининг хақиқий вакили эканини исботлайди ва унга Байбарс ҳамда бошқа одамлар халифа сифатида байъат қилишади ва Аҳмадга “ал-Мустансир” лақабини берадилар. Жорий йилнинг сўнггида Аҳмад ал-Мустансир мўғиллар билан бўлган жангда халок бўлади. Байбарс яна бир аббосий халифа сайлаш харакатига тушади. Нихоят насл-насаби Халифа ар-Рошид ибн ал-Мустаршидга бориб такаладиган бир кишини топади. Унинг тўлик исми Аҳмад ибн Хасан ибн Абу Бакр Ибн ал-Амир Абу Али Ибн ал-Амир Хасан ибн ар-Рошид бўлиб, у билан ар-Рошид орасидаги ота-боболари халифалик мансабида фаолият юритмаган эди. Байбарс бошчилигида Миср ҳукумати Аҳмад ибн Хасанни расмий тарзда халифа этиб тайинлаб, унга “ал-Ҳоким” лақабини бердилар. Аҳмад ал-Ҳоким Байбарс ва ундан кейинги икки ўғиллари, сўнг ас-Солих Калавун ва унинг ўгли ал-Ашраф ва ан-Носир Мухаммад ибн Калавун даврида халифа бўлиб, 701-хижрий (милодий 1302) йилда вафот этган. Аҳмаднинг вафотидан сўнг халифалик унинг ўгли Абу ар-Рабиъ Сулаймон кўлига ўтади. Шу тарика Мисрда аббосийлар халифалиги қарор топади (Каранг: Абдурахмон ибн Мухаммад ибн Халдун. Тарих Ибн Халдун. Ж.1. – Байрут: Дар Ибн Хазм, 2003. – Б. 1416-1417).

[4] Абдулжаббор ибн Нуъмон ал-Ханафий (а.р.) Амир Темурнинг хос олимларидан бўлиб, давлатни ханафий мазҳабига мувофиқ тарзда бошқаришда Соҳибқиронга кўмакдош бўлган. Баъзи манбаларда унинг исми Абдулжаббор ибн Абдуллох ал-Хоразмий шаклида келади. Кози Алоуддин у ҳақда шундай деган: “Мен Абдулжаббор билан бир мажлисда катнашганман. Унинг ўта зийрак ва фозил инсонлигини кўрдим. Ундан қачон тугилганлиги хақида сўраган эдим, у: “Қиркка кириб қолдим”, деган эди. Абдулжаббор Темурланг иштирокида Халаб олимлари билан музокара ўтказган. Унинг Амир Темур олдидаги мартабаси баланд эди. Мен Акмалуддиннинг “Шарх ал-Хидоя” асарини кўрдим. Абдулжаббор (а.р.) мазкур асарни мутолаа қилиб, ундаги баъзи мулоҳазали ўринларни белгилаб қўйган экан”. Ибн ал-Мибрад ўзининг “ар-Риёз” асарида шундай ёзади: “Абдулжаббор фикх ва аклий илмларни яхши билар, Темурланг ҳузурда олимларни имтиҳон қилиш мақсадида музокаралар уюштириб турар эди. У 808-хижрий (милодий 1405) йилда вафот этган”. Ибн Арабшоҳ у ҳақда қуйидагиларни ёзган: “Бу киши, яъни Абдулжаббор Темурнинг олими ва имоми бўлиб, фазилатли олим, мукамал факих, муҳаккик тадқиқотчи ва ўта диққатли усул ва жадал билимдони эди. Унинг отаси Нўъмон самарқандлик бўлиб, фуруъ ал-фикх бўйича ўз замонасининг энг кўзга кўринган олимларидан бўлган. Хатто уни “Иккинчи Нўъмон” деб ҳам аташар эди. Кўзлари ожиз бўлишига қарамай, дарс бериш билан шугилланган. Ўша вақтда яшаган мовароуннахрлик аксарият олимлар фуруъ илмини Абдулжабборнинг отаси Нўъмондан ўрганганлар. Ибн

Хажар ал-Аскалоний (а.р.) ҳам шу маълумотларни келтирган (Мавло Такийюддин ибн Абдулқодир ат-Тамимий ад-Дорий ал-Иззий ал-Мисрий ал-Ханафий. Ат-табакот ас-сания фи тарожим ал-ханафия. Ж.4. – Ар-Риёд: Дар ар-Рифоъий, 1989. – Б. 262; Шайхулислом Хофиз Ибн Хажар ал-Аскалоний. Инба’ ал-гумр би анба’ ал-умр. Ж.2. – Кохира: Матобий ал-Ахром ат-тижория, 2011. – Б. 244).

Мазкур манбаларда Абдулжаббор ибн Нўъмоннинг мўътазилий экани кайд этилган. Лекин унинг мўътазилий окимига доир акидавий карашлари манбаларда ўз исботини топмаган. Абдулжабборнинг мўътазилий эканига таслим бўлсак-да, бу халифа сайлаш билан боғлиқ ушбу жараёнга асло таъсир кўрсатмайди. Зеро, Абдулжаббор фикҳда ханафий мазхабининг етук олими бўлган. Имомат ва халифа масаласи эса, фикхий масала бўлиб, унинг акидага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ханафий мазхабидаги акидага доир манбаларда имомат мавзусининг кўтарилиши унинг акидавий масала эканини англатмайди. Чунки ўша даврда рўй берган ходисалар шуни такозо этган. Абу Ханифа (а.р.) имомат масаласи билан боғлиқ ихтилофлар жиддий тус олаётганини хасобган олган ҳолда уни акидавий масалалар каторида санаб ўтган. Аслида, имомат ва халифа масаласининг акидага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шу боис бу ўринда Абдулжаббор ал-Ханафий (а.р.)нинг мўътазилий экани ҳеч нарсани ўзгартирмайди.

[5] Мухаммад ибн Жарир ат-Табарий (а.р.) ўзининг “Тарих ат-Табарий” асарида бу ҳадис хусусида шундай дейди: “Аббосийлар ҳаракати Расулulloх (с.а.в.)нинг куйидаги сўзлари асосида авж олган: “Аббос (р.а.)ни биламан, халифалик унинг авлодларига қайтади”. Аббос (р.а.)нинг авлодлари Расулulloх (с.а.в.)нинг мазкур башоратларини доим кутиб ва ўзаро муҳокама қилиб юришар эди”. Лекин Шамсуддин аз-Захабий (а.р.) бу ҳадиснинг қанчалик ишончли ёки заифлиги ҳақида шундай ёзади: “Бу хабар саҳих эмас. Лекин аббосийлар Аббос (р.а.)нинг авлодларини қаттиқ ҳурмат қилар ва суйишар эди. Хатто халифалик уларнинг қўлига ўтишини истар эдилар. Шу билан бирга Марвон ибн ал-Хакам сулоласига нисбатан қаҳр ва қазабда эдилар. Аббосийлар бу ҳиссиётларини анча вақтгача яшириб юрдилар. Кейинчалик Хуросонда Абу Муслим бошчилигида олиб борилган зафарлар уларни тарих саҳнасига чиқишга ундади” (Каранг: Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.6. – Кохира: Дар ал-ҳадис, 2006. – Б.226; Мухаммад ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. Ж.4. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1997. – Б. 344)

[6] Абу Исҳоқ Бурхонуддин ва Такийюддин Иброҳим ибн Шамсуддин Мухаммад ибн Муфлиҳ ибн Муфриж ар-Роминий ад-Димашкий (а.р.) 751-ҳижрий (милодий 1350) йили Ромин шаҳрида тугилган ва кейинчалик Дамашкка кўчиб ўтган. У Куръони қаримни тўлиқ ёд олган олимлардан бўлиб, илк таълимни отаси Шамсуддин Мухаммад ибн Муфлиҳ (в. 763/1361)дан олган. Шунингдек, Жамолуддин Юсуф ибн Мухаммад ал-Мардовий (в. 769/1367), Кози Баҳоуддин Абул Бако Мухаммад ибн Абдулбарр ас-Сабкий (в. 777/1375) ва бошқа шу қаби бир қатор таникли олимлардан таълим олган. Ал-Алимий (а.р.) ўзининг “ал-Манҳаж ал-аҳмад” номли асарида шундай ёзади: “Бурхонуддин Ибн Муфлиҳ (а.р.)

шайх, аллома, факих, хофиз ва ханбалий мазхаби шайхи хамда раиси бўлган. У илм билан шугилланиб, кўплаб шогирдларга таълим берган, шу билан бирга фатво ва дарс бериш хамда мунозара билан машгул бўлган. Унинг бир канча асарлари мавжуд бўлиб, шухрати ва обрўси баланд олимлардан бўлган. Бурхонуддин Ибн Муфлих (а.р.) Мисрнинг Солихия ва Сохибия шаҳарларидаги “ал-Хадис ал-ашрафия” номли мадрасаларда мударрислик килган. Умрининг сўнгги дамларида Мисрга сафар килиб, у ерда Абул Харам Мухаммад ибн Мухаммад ибн Мухаммад ибн Абул Фатх ал-Калонисий (в. 765/1363) ва бошка шайхлардан таълим олган. Дамашкда ханбалий мазхаби бўйича козилик лавозимида ишлаган. У фозил, етук имом ва факих хамда мазхабини яхши ўзлаштирган олим сифатида танилган. Ханбалий мазхаби шайхлари у билан тугаган. Бурхонуддин Ибн Муфлих (а.р.)нинг “Фазл ас-солат ъала ан-Набий”, “Китаб ал-малоика”, Ибн Кудома (а.р.)нинг “ал-Мукниъ” асарига шарх, “Шарх Мухтасар Ибн ал-Хажиб”, “Табакот асхаб ал-Имам Ахмад”, “аз-Зухд ав аз-завохир” ва “ал-Жавохир” номли асарлари мавжуд. Олим умрининг сўнгги йилларида Мисрда фаолият юритган. Ибн Халдуннинг гувоҳлик беришича, Амир Темур Мисрни камал килганда Бурхонуддин Ибн Муфлих (а.р.) бошчилигида бир гуруҳ олимлар сулҳга рози бўлганлар. Сохибкирон Амир Темур мазкур олимларга жуда яхши эътибор ва юксак эхтиром кўрсатади. Натижада Бурхонуддин Ибн Муфлих (а.р.) бошчилигидаги олимлар эртаси куни Амир Темур билан Миср фатхларида елкама-елка туриб иштирок этадилар. Бурхонуддин Ибн Муфлих (а.р.) 803-хижрий (1400) йилда вафот этган (Каранг: Доктор Абдуллох ибн Мухаммад ибн Ахмад ат-Тарикий. Муъжам мусаннафот ал-ханабала. Ж.4. – Ар-Риёд: Фихриса мактаба ал-Малик Фахд, 2001. – Б. 250-253; Абдурахмон ибн Мухаммад ибн Халдун. Тарих Ибн Халдун. Ж.2. – Байрут: Дар Ибн Хазм, 2003. – Б. 3121)

[7] Хорижийлар ислом динида илк пайдо бўлган оким тарафдорлари бўлиб, Али ва Муовия (р.а.)лар орасида бўлиб ўтган Сиффин жангги натижасида вужудга келган. Яъни, Али (р.а.) ва Муовия (р.а.) ўз тарафларидан юборилган икки хакам ёрдамида келишувга (тахким)га рози бўладилар, лекин бир гуруҳ мусулмонлар бу келишувдан норози бўлиб, Али ва Муовия (р.а.)ни куфрда айблайдилар ва алохида фирка сифатида ажралиб чиқадилар. Бу ходиса тарихда тахким воқеаси номи билан машхур. Хорижийларнинг пайдо бўлиши Али (р.а.)нинг фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун хам Абу Ханифа (а.р.) шундай деган: “Агар Али (р.а.) бўлмаганида хорижийларнинг сийратини билмас эдик”. Ахли суннанинг эътиқодига кўра, Али (р.а.) тахким воқеасида ўз ижтиходи билан йўл тутиб, тўғри қарор қабул қилган. Лекин хорижийлар Али (р.а.)ни ижтиходда хатога йўл кўйган деб хисоблаб, уни кофирга чиқарганлар. Чукни хорижийлар куйидаги оятнинг зохирига суяниб: **“Бас, агар улардан бири, иккинчисининг устига тажовузкорлик қилса, бас, то**

(тажовузкор тоифа)

Аллохнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган

(тоифа)
билан урушингиз!”

(“Хужурот” сураси, 9-оят), Муовия (р.а.)га қарши жанг қилиш лозим, деган ақида билан Али (р.а.)ни Куръон буйругига бўйсунмаганликда айблайдилар. Ахли суннанинг ақидаси бўйича эса, Али (р.а.) ёмонликни бартараф қилиш ва мусулмонларни ўзаро ахил ва иноқ

яшашларига шароит яратиш мақсадида таҳкимга рози бўлиб, мазкур оятни ҳам шу маънода таъвил килган. Олимларнинг таъкидлашларича, хорижийлар йигирма фиркага бўлиниб кетган. Хар бир фирканинг бошқаларидан ажралиб турадиган ақидавий қарашлари мавжуд. Лекин мазкур фиркаларни бирлаштириб турадиган асосий ва умумий эътиқодий омиллар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар: Али (р.а.) ва Муовия (р.а.)ни қуфрда айблаш, Усмон (р.а.)ни кофир деб эътиқод қилиш, Жамал жангида иштирок этганларни қуфрда айлаш, Али ва Муовия (р.а.) томонидан юборилган икки ҳакамни қуфрда айблаш, таҳкимга рози бўлганларни, мазкур икки ҳакам ёки улардан бири тўғри иш тутган, деб ҳисоблаганларни кофирга чиқариш, золим султонга қарши бош кўтаришни жоиз деб билиш, гуноҳи қабира қилганларни кофир ҳисоблаш. Абул Хасан ал-Ашъарий (а.р.) охири масалага баъзи мулоҳазаларни ҳам қўшган. Яъни, Абул Хасан (а.р.)нинг айтишича, хорижийларнинг наждотлар (Нажда ибн Омир тарафдорлари) Куръон ва ҳадисда ҳадд белгиланган ёки ваъид келган гуноҳларни амалга оширганлар ўз тарафдорларини кофир санамайдилар. Чунки хорижийларнинг эътиқодича, ҳадд белгиланган ёки ваъид келган гуноҳларни бажарган хорижий фиркасига оид одамларнинг ўз номлари бор, масалан, зино қилган одам “зинокор”, ўғрилиқ қилган эса “ўғри” қаби номлар билан аталадилар. Бу уларнинг шаръий номлари бўлиб, уларни мазкур номлардан ортиги билан номлаш жоиз эмас. Наждотлар ўз тарафдорлари орасида қабира гуноҳ қилганларни қуфрона неъматда айблайдилар, ҳолос. Хорижийларга хос умумий хусусиятлар шулардан иборат. Саъдуддин ат-Тафтазоний (а.р.)нинг таъкидлашича, хорижийларнинг наждот фиркаси наздида халифа сайлаш вожиб эмас.

(Қаранг: Абдулқохир ибн Тохир ибн Мухаммад ал-Бағдодий ал-Исфариноний ат-Тамимий. Ал-фарқ байн ал-фирак. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия. – Б. 49-50; Аллома, муҳаддис ва факих Али ибн Султон Мухаммад ал-Корий. Минах ар-равз ал-азхар – фи шарх ал-Фикх ал-акбар. – Байрут: Дар ал-башоир ал-исламия, 1998. – Б. 200, 210; Айдарбек Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Тошкент: Шарк, 2013. – Б. 43; Саъдуддин ат-Тафтазоний. Шарх ал-мақосид. Ж.5. – Байрут: Дар ли ат-тибаъа ва ан-нашр, 1998. – Б. 236)

[8] Шиалар ислом динида пайдо бўлган энг қадимги фикалардан саналади. Улар илк марта ўз сиёсий қарашлари билан Усмон ибн Аффон (р.а.) халифалигининг охири даврларида тарих майдонида чиқадилар. Али (р.а.) даврига келиб, шиалар анча ривожланиб қолади. Уммавийлар асрига келиб, шиаларга тазийқлар қучаяди. Уммавийларнинг уларга насибатан тажовузқорона муносабатда бўлишлари шиаларнинг Ахли байт хусусида нотўғри ақидалари янада авж олади. Уммавийлар тарафидан Али (р.а.) ва унинг фарзандларига бўлган зулмлар натижсида шиалар сони аста-секин ортиб боради. Шиаларга нисбатан “рофизийлар” атамаси ҳам қўлланилади. Шиа оқимининг вужудга келиши бевосита Ибн Сабаъ билан боғлиқ. Мулла Али ал-Корий (а.р.)нинг фикрича, у яҳудий бўлиб, ўзини мусулмон сифатида кўрсатган ва шу йўл орқали исломни бузишга ҳаракат қилган. Мулла Али ал-Корий (а.р.) Ибн Сабаъни насроний динига қатта ўзгартириш қиритган Павлусга қийослайди. Ибн Сабаъ фитналари сабабли Усмон (р.а.) суиқасдга учрайди. Кейинчалик Ибн Сабаъ Али (р.а.)ни илохийлаштиришгача боради.

Али (р.а.) Ибн Сабаънинг бу килмишларидан хабар топгач, унинг ўлими учун фармон чикаради, лекин Ибн Сабаъ кочишга улгуради. Шиаларнинг асосий акидалари куйидагиларда намоён бўлади: 1. Имомат. Шиаларнинг эътиқодича, имомат умматга топшириладиган умумий манфаатга эга вазифалардан эмас. Балки имомат диннинг рукни ва исломнинг асосий коидаси саналади. Шу боис Расулulloх (с.а.в.) бу вазифага бепарво караб, умматга топширишлари жоиз эмас. Балки Расулulloх (с.а.в.) уммат учун бир имомни таъйин қилишлари вожибдир. Имом кабира ва сагира гунохлардан маъсум саналади. 2. Али ибн Абу Толиб (р.а.) Расулulloх (с.а.в.) тарафларидан танланган халифа саналади. У барча саҳобийлардан афзал ҳисбланади. Али (р.а.) хусусидаги қарашларда шиалар турли фиркаларга бўлиниб кетганлар. Уларнинг баъзилари Али (р.а.)ни ҳаддан ортик улугласа, айримлари ўрта ва мўътадил йўлни танлаганлар. Шиаларнинг мўътадил оқимлари Али (р.а.)ни бошқа саҳобалардан афзал санайдилар, лекин қолган саҳобаларни қуфрда айбламайдилар. Шиаларнинг мутаассиб гуруҳлари эса, Али (р.а.)ни пайгамбар даражасига кўтариб: “Пайгамбарлик Али (р.а.)га тушган, лекин Жаброил (а.с.) хато қилиб, Мухаммад (с.а.в.)га олиб келган”, деган бузук ақидада бўладилар. Хатто айрим мутаассиб фиркалар Али (р.а.)ни илохийлаштириб: “Илохлик имомлар ва уларнинг фарзандларида ўрнашган. Хар бир имомда илохлик мавжуд бўлиб, бу илохлик ундан кейинги имомга ўтади”, деган ақидани илгари сурганлар. 3. Маҳдий. Шиаларнинг аксарияти охирги ўн иккинчи имом ўлмаган, тирик, у қайтиб келади ва зулмга тўлиб кетган ер юзини адолатга тўлдиради, деб эътиқод қиладилар. Жумладан, сабаийлар Али (р.а.)ни, қайсонийлар Мухаммад ибн ал-Ханафия (а.р.)ни, Исно ашариялар эса Мухаммад ибн ал-Хасан ал-Аскарини маҳдий деб эътиқод қиладилар. Айникса, Исно ашариялар бу ақидага қаттиқ амал қиладилар. Улар хар қуни шом намозидан сўнг Сардоб эшиги олдига келиб, Мухаммад ибн ал-Хасан ал-Аскарини кутадилар, унинг исмини айтиб чақирадилар. Бу ҳол юлдузлар кўрингунча давом этади. 4. Халол ва харом. Баъзи шиалар бузук ақидаларини халол ва харом масаласига ҳам аралаштириб юборганлар. Улар ҳамр, ўлимтик ва махрамга никоҳланишни халол деб эътиқод қиладилар. 5. Тақия. Шиалар тақийк қучайган вақтда ўз ақидаларини яширишни вожиб санайдилар. Шиаларнинг бу фиркаси куйидаги оятни нотўғри таъвил қилган ҳолда ўзларига далил қилиб олганлар: **“Имон келтирган ва савобли ишларни қилганлар учун – агар ширкдан сакланиб, имонда ва савобли ишларда давом этсалар, сўнгра сакланиб, имон келтирсалар, сўнгра** (одамларга)

эзгулик қилсалар еб-ичган

(харом)

нарсаларида гуноҳ йўқдир”

(“Моида” сураси, 93-оят). Аслида бу оятни куйидагича тушунмок лозим:

“Имон келтирган ва савобли ишларни қилганлар учун – агар ширкдан сакланиб, имонда ва савобли ишларда давом этсалар, сўнгра

(май ва кимордан

) сакланиб,

(харомни харом деб)

имон келтирсалар, сўнгра

(барча харом ва шубҳалардан)

сакланиб,

(одамларга)

эзгулик килсалар олдин еб-ичган

(харом)

нарсаларида гунох йўқдир”.

Шиаларнинг бу фиркасининг фикрича, Куръонда келган бу каби харомга оид хукмлардан Абу Бакр, Умар, Усмон ва Муовия (р.а.)лар каби инсонлар назарда тутилган. Куръондаги фарзлардан эса, Али (р.а.) ва унинг авлодлари ирода килинган. Шуларни мулохаза килган холда баъзи олимлар, хусусан, европалик тадқиқотчилар шундай хулосага келганки, шиаларнинг акидасига бошка динларнинг эътикодий карашлари ҳам хуруж килган. Жумладан, яхудийлар, насронийлар, форслар, буддавийлик, монавийлик каби бир катор динларнинг акидавий карашлари шиаларга катта таъсир ўзтаказган (*Каранг: Аллома, мухаддис ва факих Али ибн Султон Мухаммад ал-Корий. Минах ар-равз ал-азхар – фи шарх ал-Фихх ал-акбар. – Байрут: Дар ал-башоир ал-исламия, 1998. – Б. 200, 206; Имом Мухаммад Абу Захра. Абу Ханифа: хаятух ва асрух – ороух ва фикхух. – Кохира: Дар ал-фкир ал-арабий. □ – Б. 122-127).*

[9] Халифалик масаласида исломий фиркалар бир-биридан фаркли бўлган турли карашларни илгари сурганлар. Ахли суннанинг акидаси бўйича, биринчи халифа Абу Бакр Сиддик (р.а.) хисобланади. Чунки Расулulloх (с.а.в.) беморликларида Абу Бакр (р.а.)ни ўзларига ўринбосар килиб, намоз ўкиб беришга буюрганлар. Оиша (р.х.)дан ривоят килинган хадисда шундай дейилган: “Расулulloх (с.а.в.) беморликларида менга шундай дедилар: “Менга отангиз ва акангизни чакиринг. Мен Абу Бакр (р.а.)га бир мактуб ёзиб бераман. Чунки Мен бирор орзуманд одам: “Мен (халифаликка) лойикрокман”, деб колишидан кўркаман. Аллох ва мўминлар Абу Бакр (р.а.)дан бошқасини рад киладилар”. Бу хадисдан кўриниб турибдики, Расулulloх (с.а.в.) ўзларидан кейин Абу Бакр (р.а.)нинг халифа бўлишини хошлар ва мусулмонлар Абу Бакр (р.а.)дан бошқасига рози бўлишмаслигини билар, лекин мусулмонлар орасида ўзаро машварат килиш суннат бўлиб колиши учун буни очик-ойдин сўзламас эдилар. Расулulloх (с.а.в.) мактуб билан ёзма равишда халифаликни топширмаганлар. Агар топширганларида Абу Бакр (р.а.)га топширар эдилар. Чунки Расулulloх (с.а.в.) ўз ўринбосарини ёзма равишда эълон килишга хожат йўқлигини ва барча мусулмонлар бир овоздан Абу Бакр (р.а.) номзодига рози эканлигини билар эдилар. Бу Расулulloх (с.а.в.) мўъжизаларидан бири бўлиб, У зот Аллохнинг иродаси билан гайбдан хабар берган эдилар. Шу боис Расулulloх (с.а.в.) Аллохнинг иродаси ва умматнинг ихтиёри билан кифояланиб, ёзма шаклда эълон килишдан воз кечганлар. Расулulloх (с.а.в.) вафотларидан сўнг ансорларнинг барчаси Бану Соъад ховлисида Абу Бакр (р.а.)нинг халифалигини тан олдилар. Лекин Саъд ибн Аббода (р.а.) Абу Бакр (р.а.)га байъат килмайди. Чунки унинг ўзи халифаликка даъвогар эди. Кейинчалик карши тарафлар ҳам Абу Бакр (р.а.)нинг халифалигини тан олади. Али (р.а.) ўз ижтиход ва назарларини мушохада килгандан сўнг гувохлар олдилда Абу Бакр (р.а.)га байъат килади. Чунки Али (р.а.) Расулulloх (с.а.в.)нинг дафн маросимлари билан банд бўлиб, жуда каттик гамга ботган эди. Шу боис васиятларни адо килгач, кейинрок халифа сайлаш маросимида кўшилган. Яъни, Али (р.а.) жамоат каторидан жой олган. Шиалар Али (р.а.)нинг бу ишини такая сифатида кабул килишган. Бу нотўгри акида, зеро, Али (р.а.) жамоатдан ичида-ю ташида асло ажрамаган. Шу ходиса асносида хеч бир сахоба: “Расулulloх (с.а.в.) Абу

Бакр (р.а.) ва бошқаларга ҳам халифаликни топширган”, деган сўзларни айтмаган. Илк халифа Расулulloх (с.а.в.)нинг очик-ойдин насс (хадислари) билан тайинланмаган, балки сахобалар ўз ихтиёрлари билан сайлаганлар. Агар Расулulloх (с.а.в.)нинг бу борада равшан хадислари бўлганида эди, сахобалар ўз ижтиходлари билан йўл тутмас эдилар. Шиалар эътикод киладиган васият даъвоси асоссиздир. Улар Расулulloх (с.а.в.) очик-ойдин насс (хадислари) билан Али (р.а.)га мактуб (сахифа) топшириб, уни халифа этиб тайинлаганлар, деган нотўғри эътиқоддадилар. Агар Али (р.а.)да мазкур мактуб бўлганида уни яширмасдан ҳаммага эълон қилган бўлар эди. Ислом динида илк халифа шу тарзда сайланган. Абу Бакр (р.а.) вафотидан сўнг Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.) халифа бўлди. Унинг халифалиги ҳам Расулulloх (с.а.в.) томонидан ишора бўлган эди: “Оиша (р.х.)дан сўрашди: “Агар Расулulloх (с.а.в.) ўзларидан кейин халифа сайлаганларида кимни тайинлар эдилар?” Шунда Оиша (р.х.): “Абу Бакр (р.а.)ни”, деди. Ундан: “Абу Бакр (р.а.)дан кейинчи?”, деб сўрашди. Оиша (р.х.): “Умар (р.а.)ни”, деди. Ундан яна: “Умар (р.а.)дан кейинчи?”, деб сўрашди. Оиша (р.х.): “Абу Убайда ибн ал-Жаррох (р.а.)ни”, деб жавоб берди. Сўнг шу ерда тўхтатди”. Колаверса, Абу Бакр (р.а.) халифаликни Умар (р.а.)га расман ёзма равишда топшириб: “Мен сизларга Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.)ни халифа қилиб қолдираман”, деган. Абу Бакр (р.а.) ҳаёти тугаб бораётганини фахмлагач, Усмон (р.а.)ни қақриб, Умар (р.а.)нинг валиахд эканини билдирувчи бир мактуб ёздирди. Мактубни ёзиб, мухр босади ва ҳаммага эълон қилиб, сахифада ёзилган шахсга байъат қилишга қақиради. Мусулмонлар бир овоздан: “Биз бу сахифада номи тилга олинган шахсга, гарчи у Умар (р.а.) бўлса-да, байъат қилдик”, деб рози бўладилар. Шу тарика Умар (р.а.) иккинчи халифа сифатида сайланади. Умар (р.а.) хоинлар томонидан яралангач, халифаликни олти улуг сахобий машваратига ҳавола қилиб: “Халифалик шулардан бошқасидан қилмайди”, дейди. Улар Усмон, Али, Абдурахмон ибн Авф, Талха, Зубайр ва Саъд ибн Абу Ваккос (р.а.)лардир. Мазкур сахобалар бошқалардан кўра улуг ва халифаликка лойик бўлгани учун Умар (р.а.) ишни уларга топширади. Шартга кўра, мазкур олти сақоба ўзаро маслаҳатлашиб, кимни лойик деб топишса, ўша одам халифа бўлиши керак эди. Абдурахмон ибн Авф (р.а.) халифа бўлишдан бош тортади. Қолган беш сақоба эса, Абдурахмон ибн Авф (р.а.)ни қақам сайлаб, ўзларини унинг ихтиёрига топширадилар. Хаммалари бир овоздан Абдурахмон ибн Авф (р.а.) кимни танласа, ўшани халифа деб эълон қилишга қелишиб оладилар. Абдурахмон ибн Авф (р.а.) Али (р.а.)нинг қўлидан ушлаб: “Сени Аллохнинг Китоби, Расулulloх (с.а.в.)нинг суннатлари ва икки шайх (Абу Бакр ва Умар (р.а.)лар)нинг сийрати билан ҳукм қилиш шарти билан волий (бошлик) қиламан”, дейди. Али (р.а.) эса: “Мен Аллохнинг Китоби ва Расулulloх (с.а.в.)нинг суннатлари ҳамда ўз раъй (фикрим) билан ижтиход қиламан”, деб жавоб қайтаради. Сўнг Абдурахмон ибн Авф (р.а.) Усмон (р.а.)га ҳам худди шундай дейди. Усмон (р.а.) унинг гапини маъқуллаб, рози бўлади. Абдурахмон ибн Авф (р.а.) шу тарзда иккала сақобийга уч мартадан юқоридаги сўзларини айтади. Али (р.а.) хар сафар ўз жавобида қолади, Усмон (р.а.) эса Абдурахмон ибн Авф (р.а.) таклифини қабул қилади. Сўнг Абдурахмон ибн Авф (р.а.) Усмон ибн Аффон (р.а.)ни танлайди ва сақобалар кўз ўнгида унга байъат қилади. Қолган сақобалар ҳам ҳеч бир низосиз Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг халифалигини қабул қилдилар. Зеро, Усмон (р.а.)да халифалик шартларининг хаммаси мавжуд эди. Али (р.а.)нинг “Ўз раъйим билан ижтиход қиламан”, деган сўзлари унинг Усмон ва Абдурахмон ибн Авф (р.а.)ларга қарши эканини англамайди, балки Али (р.а.) ўзи муқтаҳидлардан бўлиб, унинг мазҳабига кўра, муқтаҳид ўз ижтиходига эргашиши вожиб

бўлиб, бошка мужтахидларга таклид килиш жоиз саналмаган. Усмон ва Абдурахмон ибн Авф (р.а.)ларнинг мазхабига кўра эса, мужтахид ўзидан факихрок ва олимрок бошка мужтахидга таклид килиш, ўз ижтиходидан воз кечиб, унинг ижтиходига эргашиши жоиз хисобланар эди. Имом Абу Ханифа (а.р.) хам айнан шу фикрни олган. Учинчи халифа шу тарика сайланган эди. Кейинчалик Усмон (р.а.) шахид бўлгач, мусулмонлар орасида фитна кўзгалди. Усмон (р.а.)нинг котиллари ва фитначилар халифаликка даъвогарлик кила бошладилар. Сахобалар бу фитнани бостириш учун Али (р.а.)га мурожаат килиб, халифаликни ўз кўлиги олишни таклиф килдилар. Лекин Али (р.а.) Усмон (р.а.)га уюштирилган суъикасдни мулохаза килиб, бу таклифни қабул килмади. Сўнг сахобалар халифаликни Талха (р.а.)га таклиф килдилар, аммо у хам бош тортди. Сахоблар ниҳоят Зубайр (р.а.)га хам шу таклифни билдирдилар, бироқ у хам рози бўлмади. Усмон (р.а.)нинг вафотидан уч кун ўтгач, мухожир ва ансорлардан иборат сахобалар йигилиб, ислом динин саклаб қолиш ва Расулulloх (с.а.в.)нинг юртлари бўлмиш Хижрат ховлиси – Мадинани химоя килиш максатида халифаликни қабул килишини илтимос килиб сўрайдилар. Али (р.а.) каттик кистовдан сўнг ва ўзи хам бу ишнинг мусулмонлар учун манфаатли эканини англаб етгач, халифаликни қабул килди. Зеро, Али (р.а.) ўша вақтда сахобаларнинг энг олими, энг афзали ва халифаликка энг лойиғи эди. Буни ҳеч ким инкор килмас эди. Сахобаларнинг аксарияти Али (р.а.)га байъат килдилар. Тўғри, баъзи сахобалар Али (р.а.)га байъат килишдан бош тортишган. Шуни хам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, халифа сайлаш ва байъат килишда бутун умматнинг ижмоъ килиши – бир овоздан қабул килиши шарт бўлмаган. Чунки Али (р.а.) халифаликни қабул килиб олганда Талха, Зубайр, Саъд ибн Абу Ваккос, Саъид ибн Зайд ва бошка бир қатор сахобалар Али (р.а.)га бўйсунди ва унга ёрдам беришдан бош тортганлар. Лекин уларнинг байъатисиз хам Али (р.а.)нинг халифалиғи дуруст бўлган. Шунинг учун хам умматнинг сайловга лаёқатли бўлган бир қисмининг байъати билан хам халифалик тайинлаш дуруст бўлган. Бу даврдаги ихтилофларнинг вужудга келишига сахобаларнинг шахсий ижтиходлари сабаб бўлган. Жумладан, Али (р.а.) Усмон (р.а.)нинг котилларига жазо бермаган. Чунки унинг ижтиходига кўра, улар боғий саналганлар. Боғийларнинг хам ўз таъвиллари ва қучлари бўлган. Улар ўз ижтиходларига таянган ҳолда Усмон (р.а.)нинг баъзи ишларини шариатга зид, деб қабул килганлар ва шу сабаб билан уни ўлдирганлар. Сўнг боғийлар Али (р.а.)га таслим бўлганлар. Али (р.а.)нинг ижтиходига кўра, боғий адолат аҳли Имомига бўйсунса ва адолат аҳлининг мол-мулкига талофат етказиш, уларнинг конини тўкиш ва баданларига жарохат етказиш каби олдинги жинойтларига жазо бермаслик шарт билан Имомга таслим бўлса, Имомга бундай вазиятда мазкур боғийни ўлдириш ва уни талабгорлар (қасоскорлар)га топшириши мумкин бўлмайди. Боғийни жазолаш керак бўлган тақдирда хам, боғийларнинг шавкати сингач, қуч-қувватлари сусайиб, бошка фитна таркатмасликлари аён бўлсагина, Имом боғийни жазолаши керак бўлади. Лекин Али (р.а.) халифалиғида бу шартлар топилмаган, боғийлар қучли бўлиб, шухрати хам кенг тарқалган эди. Али (р.а.) мана шундай мурраккаб вазиятда ўз ижтиходи билан тўғри ҳукм чиқарган. Талха ва Зубайр (р.а.)ларнинг ижтиходлари хам зохиран тўғри бўлган. Улар шариатнинг зохирий далилларига суяниб, қасдан ва ноҳақ мусулмон конини тўккан одамдан қасос олиш вожиб, деган ақидада ҳукм чиқарганлар. Лекин уларнинг бу ижтиходи хато эди. Лекин ижтиходда хато килганлари боис гуноҳкор саналмайдилар. Зеро, иккиси хам мужтахидлардан бўлган. Али (р.а.)нинг ижтиходи эса тўғри бўлган. Мазкур сахобалар Али (р.а.)нинг халифалиғига шубҳа билан қарамаганлар, балки унинг ижтиходини

нотўгри санаганлар, холос. Шунинг учун ҳам кейинчалик Талха ва Зубайр (р.а.)лар килган ишларидан пушаймон бўлганлар. Шунингдек, Оиша (р.х.) ҳам Жамал воқеасидаги хатти-харакатларидан кейинчалик пушаймон бўлиб, рўмоли хўл бўлгунча йиглагани тарихдан маълум. Муовия (р.а.)ни ҳам шулар каторига кўшиш мумкин. Аммо Муовия (р.а.) ўз ижтиҳодидан кайтмай, охиригача курашган. Шунинг учун ахли сунна олимлари унинг боғий ёки боғий эмаслигида турли фикрларни билдирганлар. Жумладан, Али ал-Корий (а.р.) Муовия (р.а.)ни боғий деганларнинг фикрини маъқуллаган. Зеро, Расулulloх (с.а.в.) Аммор (р.а.) хақида шундай деганлар: “Амморнинг холига вой! Уни боғий гурух катл килади”. Маълумки, Аммор (р.а.) Али (р.а.) тарафида туриб жанг килган. Шунингдек, Али (р.а.) таҳким воқеасида ҳам тўгри ижтиҳод килган. Бу ҳақда олдин маълумот бердик. Али (р.а.) вафотидан сўнг унинг ўгли Хасан ибн Али (р.а.) халифа этиб сайланади. Хасан (р.а.) даврида ҳам Али ва Муовия (р.а.)лар орасида бошланган можаро давом этади. Нихоят Хасан (р.а.) мусулмонларнинг тинчлиги ва бирдамлигини ўйлаб, мусулмонлар кони тўкилишининг олдини олиш мақсадида халифаликни Муовия (р.а.)га топширади. Ислом дини тарихида хақиқий халифалик Расулulloх (с.а.в.) башорат берганларидек ўттиз йил давом этган. Жумладан, Абу Бакр (р.а.) икки йилу уч ой, Умар (р.а.) ўн йилу олти ой, Усмон (р.а.) ўн икки йил, Али (р.а.) тўрт йилу тўккиз ой ва Хасан (р.а.) олти ой халифалик килган. Зеро, Саъид ибн Жумхон (а.р.) Сафина(р.а.)дан ривоят килган ҳадисда Расулulloх (с.а.в.) шундай марҳамат килганлар: “Халифалик умматимда ўттиз йилдир. Ундан сўнг подшоҳликдир”. Сўнг Сафина (р.а.) менга шундай деди: “Ўзинг хисобла, Абу Бакр (р.а.) халифалиги, сўнг Умар (р.а.) халифалиги, Усмон (р.а.) халифалиги ва Али (р.а.) халифалигини ҳам хисобла. Биз халифаликни ўттиз йил давом этганини кўрдик”. Шунда Саъид (а.р.) Сафина (р.а.)га: “Бану Умайя (уммавийлар) халифалик бизда деб ўйлашади-ку?!” деди. Сафина (р.а.): “Бану Зарко (уммавийлар)” ёлгон сўзлабди. Балки улар подшоҳлардир, подшоҳларнинг ҳам энг ёмонидир”, деди. Мазкур халифаликдан мурод “хилофат ан-нубувва”, яъни Расулulloх (с.а.в.) халифаларидир. Зеро, мазкур беш улуг саҳобий хақиқий маънода Расулulloх (с.а.в.)нинг ўринбосари бўлганлар. Улар суннатга амал қилишда, яшаш тарзи, муомала, ҳукм чиқариш – ҳаётнинг барча соҳасида Расулulloх (с.а.в.)га эргашар эдилар. Улар подшоҳлардек тахтда ўтирмаганлар, либослари оддий фуқаронинг либосидан фарқ қилмас, таомлари амирлардек шохона бўлмаган. Улар Расулulloх (с.а.в.)нинг мукамал халифа – ўринбосарлари эдилар. Демак, халифалик Хасан (р.а.)нинг ҳукмронлигидан сўнг ўз поёнига етган. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, Муовия (р.а.) энг биринчи подшоҳ саналади. Муовия (р.а.) давридан бошлаб раҳбарлар подшоҳлардек ҳаёт кечира бошлайдилар. Давлат бошқаруви, ҳукм чиқариш, қийиниш тарзи ва бошқа масалаларда шохоналик ўз аксини топиб боради. Лекин Хасан (р.а.) халифаликни ўз қўли билан топширгач, Муовия (р.а.) ҳам хақиқий имомга айланган. Чунки Али (р.а.) вафотидан сўнг мусулмонлар иккига ажралиб қолдилар. Шомлик бир гурух мусулмонлар Муовия (р.а.)ни қўллаб-қувватлаган бўлсалар, иккинчи тоифа мусулмонлар эса Хасан (р.а.) халифа сифатида тан олиб, асосан Ироқда истикомат қилганлар. Хасан (р.а.) отасининг вафотидан олти ой ўтгач, халифаликни Муовия (р.а.)га топширади. Демак, хақиқий ва комил халифалик Абу Бакр, Умар, усмон, Али ва Хасан (р.а.)лар фаолияти тугаши билан яқун топган. Муовия (р.а.)дан кейин мутлақ халифалик бошланади. Буни Жобир ибн Сумра (р.а.)дан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисдан билиб олиш мумкин: “Расулulloх (с.а.в.) шундай дедилар: “Мендан сўнг ўн икки халифа бўлади ва уммат уларнинг барчасига ижмоъ қилади”. Сўнг У зот яна нимадир дедилар, менг англамай қолдим.

Шунда ёнимда ўтирган бир кишидан сўрадим. У: “Уларнинг барчаси Курайшдандир”, деди”, деб жавоб берди”. Бу Абу Довуд (а.р.)ва Имом Муслим (а.р.) ривояти, Имом Бухорий ва Имом Термизий (а.р.)лар ривоятида “ўн икки амир” ибораси қўлланилган. Баззоз (а.р.) ривоятида: “Сўнг Расулulloх (с.а.в.) уйларига кайтдилар. Мен У зотнинг хузурига бориб: “Сўнг нима бўлади?”, деб сўрадим. У зот: “Хараж”, дедилар”. “Хараж”дан мурод киёматдан хабар берувчи фитна ва котилликлардир. Мазкур ўн икки халифанинг қачон ҳукмронлик қилиши борасида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, Абул Фараж Ибн ал-Жавзий: “Бу мансабга фақат халифаликка лойик бўлган адолатли кимсаларгина эришади, буни тўрт рошид халифа мисолида кўрдик, бу Киёматга қадар давом этади, Расулulloх (с.а.в.) башорат берган Имом Махдий ҳам шулардандир”, деган хулосани берган. Яна бир ривоятда айтилишича, Дониёл (а.с.) китобида шундай ёзувлар бор: “Бу ўн икки халифа Киёматга яқин Имом Махдий вафотдан сўнг чиқади. Махдий вафот этганидан сўнг катта насл (Хасан ибн Али (р.а.)нинг авлодлари)дан беш киши подшоҳ бўлади. Улардан сўнг кичик насл (Хусайн ибн Али (р.а.) авлодлари)дан беш киши подшоҳлик қилади. Сўнг улардан охиригиси халифаликни катта наслдан бўлган бир кишига васият қилади. Мазкур васият олган киши вафот этгач, унинг ўгли подшоҳ бўлади. Шу билан ўн икки подшоҳ тўлик бўлади ва уларнинг ҳар бири Имом Махдийдир”. Ал-Мухаллаб (а.р.): “Бир вақтнинг ўзида ўн икки киши халифаликка даъвогар бўлади ва уларнинг барчаси Курайшдандир. 500-ҳижрий (милодий 1106) йилда Андалуснинг ўзида олти киши ўзини халифа деб эълон қилди. Бу вақтда Миср ҳокими ва Бағдоддаги аббосий халифа ҳамда алавий ва хорижийлардан ҳам халифаликни даъво қилганлар бор эди”, дейишади. Имом Термизий (а.р.) бу фикрнинг нотўғрилигини шундай изоҳлайди: “Бу фикрга ҳадисда зикр қилинган қуйидаги сўзлар билан раддия билдирилади: “Умматнинг барчаси уларга ижмоъ қилади”. Дарҳақиқат, бир вақтнинг ўзида ўн икки халифанинг мавжуд бўлиши ижмоъни эмас, балки таффрикани тақозо этади”. Бошқа олимлар эса: “Мазкур ҳадисда халифалик ва ислом дини куч-қувватга тўлган, давлат бошқаруви тўғри ва адолатли бўлган ва барча уммат ижмоъ қилган ўн икки халифа назарда тутилган. Бу уммавийлар даврида ўз исботини топди. Аббосийлар даври бошлангуча бўлган даврда мазкур ўн икки халифа ҳукмронлик қилиб бўлган”, деган фикрни илгари сурганлар. Хофиз Ибн Хажар (а.р.)нинг мазкур ҳадис борасида билдирган қуйидаги фикрларини келтириб ўтган: “Саҳих ҳадисларнинг иборасига суянадиган бўлсак, мазкур ўн икки халифага уммат ижмоъ қилади. Ижмоъдан мурод уларга байъат қилиб, бўйсундилар. Тарихдан маълумки, мусулмонлар Абу Бакр, сўнг Умар, сўнг Усмон, сўнг Али (р.а.)ларнинг халифаликларига уммат ижмоъ қилган. Бу ҳол Сиффиндаги таҳким воқеасгача шундай давом этган. Ундан сўнг Муовия (р.а.) ўзини халифа деб эълон қилади. Кейинчалик уммат Хасан (р.а.) сулҳга рози бўлгандан сўнг Муовия (р.а.)нинг халифалигига ижмоъ қилади. Сўнг умматнинг ижмоъсига кўра, унинг ўгли Язид халифалик тахтига ўтиради. Хусайн (р.а.) вафот этганлиги сабабли унга халифалик тақлиф қилинмайди. Язид вафот этгач, ихтилофлар юзага келади ва Ибн аз-Зубайр (р.а.)нинг ўлимидан сўнг уммат Абдулмалик ибн Марвон (а.р.)нинг халифалигига яна ижмоъ қилади. Абдулмалик (а.р.)дан сўнг унинг тўрт ўгли – Валид, Сулаймон, Язид ва Хишомларнинг халифалиги уммат тарафидан ижмоъ билан қарши олинади. Шунингдек, Сулаймондан сўнг ва Язиддан олдин Абдулмалик ибн Марвон (а.р.)нинг жияни Умар ибн Абдулазиз (а.р.) ҳам умматнинг ижмоъси билан халифалик қилади. Рошид халифалардан сўнг мазкур етти халифа ҳукмронлик қилган бўлиб, жами ўн бир кишини ташкил қилади. Ўн иккинчиси Валид ибн Язид ибн Абдулмалик (а.р.)

хисобланади. У амакиси Хишом вафотдидан сўнг умматнинг ижмоъси билан тўрт йил халифалик килади. Сўнг вазият ўзгариб, фитналар бошланади. Бундан сўнг мусулмонлар ҳеч бир халифага ижмоъ қилмаганлар. Аббосийлар даврига келиб, халифалик факат расмиятчиликка айланиб қолди, холос. Булар хақидаги батафсил маълумотларни тарих китобларидан топиш мумкин”. Бу гапга Али ал-Корий (а.р.) ҳам қўшилган. Қўришиб турибдики, Ибн Хажар ва Али ал-Корий (а.р.)лар Хасан (р.а.)ни уммат ижмоъ қилган халифалар каторида санамаган. Бадриддин ал-Айний (а.р.)нинг таъкидлашича, Абу Бакр (р.а.)дан Умар ибн Абдулазиз (а.р.)гача ўн тўртта рахбар халифалик қилган. Шулардан иккитасининг халифалиги нодуруст бўлиб, узок давом этмаган. Улар Муовия ибн Язид ва Марвон ибн ал-Хакамлардир. Қолганлари эса, Расулulloх (с.а.в.) хабар берган ўн икки халифа саналади. Умар ибн Абдулазиз (а.р.) 101-хижрий (милодий 719) йилда вафот этган ва ундан кейин вазият ўзгарган ва фитналар бошланган. Аббосийлар даврига келиб, давлат бошқаруви бутунлай ўзгарди, қўплаб низо ва фитналар юзага келди. Али ал-Корий (а.р.) бу ҳақда шундай деган: “Аббосийларга нисабат “халифа” сўзи хақикий шаръий маънода эмас, балки урфий, мажозий ва лугавий маънода қўлланилади”. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳадисларда зикр қилинган халифаликни уч хил маънода тушуниш мумкин: 1. Хақикий ва қомил нубувват халифалиги. Бунга тўрт рошид халифа ва Хасан (р.а.)лар қиради. 2. Мутлак халифалик. Бу халифалик “халифаликка ўхшаш подшоҳлик” атамаси билан ҳам изоҳланади. Бунга уммавийларнинг халифалиги мисол бўлади. 3. Урфий, мажозий ва лугавий халифалик. Қолган барча исломий бошқарув тизими шу ном билан аталади. Ундан сўнг исломий давлат рахбарлари “имом ва “амир” деб атала бошлаган. Фикхий ва ақидавий манбаларда ҳам халифалик эмас, балки имомати кубро ва иморат масаласи ҳамда унинг шартлари хақида сўз боради. Ибн Обидийн (а.р.)нинг таъкидлашича, имомат масаласи аслида фикхий бахслардан бўлиб, фарзи кифоя саналади. Имомат ва халифалик масалалари ақидавий асарларда зикр этилишининг сабаби шундаки, баъзи бидъатчилар бу мавзуда рошид халифаларга таъна тошини отиш каби турли нотўғри ақидаларни тарғиб қилганлар. “Ал-мақосид” асарида имоматга шундай таъриф берилган: “Имомат Расулulloх (с.а.в.)га ўринбосар бўлиш маъносида бўлиб, дин ва дунё ишларида олиб бориладиган умумий бошқарув демақдир”. Шунингдек, амир ва султон атамалари ҳам халифа ўрнида ишлатилади. Султон салтанат, бошқарув, қуч-қувват ва ҳукмдорлик соҳибига нисбатан қўлланилиб, илк ислом даврида арабларда қўлланилмаган. Бу атама кейинчалик ислом дини бошқа ўлкаларга ёйилиши оқибатида аҷамлардан кириб келган ва халифа ҳамда имом ўрнида ҳам қўлланила бошлаган. Абу Мухаммад Саҳл ибн Абдуллох султон хақида шундай деган: “Бу уммат етмиш уч фиркага бўлинади. Уларнинг етмиш иккитаси халок бўлувчилар бўлиб, уларнинг барчаси султонга газаб килади. Етмиш иккита фиркадан нажот топувчиси эса биттадир. Бу фирка султон билан биргадир. Қим Султоннинг имоматини инкор қилса, у зиндикдир. Қимни султон чақирса-ю бормаса, у бидъатчидир. Қим султоннинг ҳузурига таклифсиз борса, у жохилдир. Султоннинг эшигига осилган ёғочлар масжиддаги асоссиз қиссаларни сўзлайдиган қиссахонлардан яхшироқдир”. Албатта, бу сўзлар адолатли ва солиҳ давлат рахбарига нисбатан қўлланилган. Давлат рахбари ҳам султон, ҳам халифа сифатида фаолият юритиши мумкин. Бунга рошид халифаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Баъзан давлат рахбари халифа бўлаши, лекин султон бўлмаслиги мумкин. Маслан, аббосийларнинг сўнгги халифалари номигагина халифа эдилар, улар султон бўлмаганлар. Ёки аксинча, давлат рахбари султон бўлиши ва халифа бўлмаслиги мумкин.

Бунга мамлуклар даври мисол бўла олади. Аббосийлар давлатининг халифалик ёки подшоҳлик эканлиги борасида аниқ фикр билдирилмаган. Бу масалани факих ва мутакаллимлар “мушкил”, яъни муаммоли масала, дея таърифлаганлар. Бунинг сабаби шундаки, умматнинг ахли хилл ва ақд олимлари бир овоздан аббосийларнинг халифалигини тан олган. Лекин аббосийларнинг халифалигида ахли хилл ва ақднинг розилиги каби баъзи шартлар топилмаган. Колаверса, Шамсуддин аз-Захабийнинг таъкидлашича, аббосийларнинг иккинчи халифаси ал-Мансур ўзини подшоҳлар каторида санаган: “Подшоҳлар тўрттадир: Муовия (р.а.), Абдулмалик, Хишом ибн Абдулмалик (а.р.)лар ва мен”. Кейинчалик Усмонли турклар салтанати борасида ҳам турли карашлар юзага келган. Жумладан, ал-Хаммуи (а.р.) ўзининг “ал-Ашбах” асарида имоматнинг шофеъий мазхаби бўйича шартларини келтириб, шундай деган: “Турклар салтанатида халифалик ва имомат шартлари топилмайди. Шу боис уларнинг ўз мазхаблари (ханафий мазхаби) асосида олиб бораётган сиёсатлари дуруст эмас”. Лекин ханафий олимларидан бўлмиш Имом ар-Рофиъий (а.р.) унга шундай раддия беради: “Мазкур фикрлар, шубҳасиз, нотўғри. Зеро, бизнинг мазхабимиз шофеъийларга караганда турклар учун мувофикрокдир”. Сўнг Имом ар-Рофиъий (а.р.) Али ал-Корий (а.р.)нинг урфий, мажозий ва лугавий халифалик борасидаги фикрларини келтириб ўтади. Дарҳақиқат, ханафий мазхабига кўра, халифа вафот этгандан сўнг унинг замонидаги фармонлар ҳам ўз кучини йўкотади. Имомат ва халифалик шартлари халифалар даврида мавжуд бўлган. Хозир эса халифалик йўқ. Факихларнинг фикрига кўра, имомда топилиши лозим бўлган шартлар иккига бўлинади. Биринчиси муттафакун алайх (барча факихлар иттифок қилган) шартлар. Иккинчиси мухталаф фийх (факихлар ихтилоф қилган) шартлар. Муттафакун алайх шартлар куйидагилар: 1. Ислом. Яъни, имом мусулмон бўлиши лозим. 2. Таклиф. Яъни, имом оқил, болиг бўлиши шарт. 3. Эркақ киши. Аёл киши имом бўла олмайди. 4. Кифоя. Яъни, имомда журъат, шижоат ва жасурлик каби сифатлар топилиши, уруш ва сиёсат олиб бориш ва халқни химоя қилишга лаёқатли бўлиши лозим. 5. Хуррият. Кул имом бўла олмайди. 6. Хиссий ва жисмоний аъзолари соғлом бўлиши. Мухталаф фийх шартлар куйидагилардан иборат: 1. Адолат ва ижтиҳод. Моликий, шофеъий ва ханбалий мазхабларида адолат ва ижтиҳод дурустлик шarti бўлиб, имом одил ва мужтахид бўлиши лозим. Фосифк ёки мукаллид имоматга лойиқ бўлмайди. Лекин одил ва мужтахид топилмаганда фосифк ёки мукаллид имом бўлиши мумкин. Ханафий мазхабида эса адолат ва ижтиҳод афзаллик шarti бўлиб, одил ва мужтахиднинг имом бўлиши афзал, лекин фосифк ва мукаллид ҳам имом бўлиши дуруст саналади. 2. Эшитиш, кўриш, кўл ва оёқларнинг соғломлиги. Жумхур факихлар наздида сайланишдан олдин кўр, қар, кўл ва оёқлари кесилган одам имомликка ярамайди. Агар имом сайланганидан сўнг мазкур касалликларга чалинса, вазифасидан озод этилади. Баъзи факихларнинг наздида эса, кўр, қар, кўл-оёқлари кесилган, пёс ва мохов инсонлар ҳам имом бўлишлари мумкин. Ханафий мазхаби таълимотларига кўра, имом зохир, яъни хаммага кўриниб турадиган бўлиши, яширинган ёки душманлардан кўркиб, беркиниб олган бўлмаслиги лозим, шу билан бирга имом гуноҳлардан маъсум бўлишлиги шарт эмас. Шунингдек, халифа Курайш кабиласидан бўлиши шарт саналади. Бунга барча ижмоъ қилганлар. Курайш Назр ибн Кинона авлодлари саналади. Халифанинг хошимий ёки алавий бўлиши шарт эмас. Чунки илк уч рошид халифа хошимий бўлмаган. Хошимийлар эса Расулulloх (с.а.в.)нинг бобоси Абу Абдулмутталиб Хошим авлодлари бўлиб, алавийлар ва аббосийлар ушбу сулола вакиллари хисобланадилар. Бунга “Имомлар Курайшдандир”, деган ҳадис далил бўлади. Мазкур ҳадис оход ҳадис бўлса-да,

уни Абу Бакр (р.а.) ансорларга хужжат килиб келтиргани боис ижмоъ килинган хадисга айланган. Чунки бу хадисга ҳеч бир саҳоба қаршилиқ кўрсатмаган. Лекин хорижийлар ва мўътазилалар бу шартни қабул қилмайдилар. Шиа оқимлари мазкур “ўн икки халифа” ҳақидаги хадисни имомат масаласида ўзларига далил қилиб олганлар. Уларнинг наздида, Абу Бакр (р.а.)дан Умар ибн Абдулазиз (а.р.)гача бўлган халифалар ноҳақ ва зулмкор сиёсат олиб борган бўлиб, уларнинг халифалиги тан олинмайди. Улар васият хадисига суяниб, халифалиқ фақат ўзларига хос эканини даъво қиладилар. Холбуки, Имом Термизий (а.р.) Умар ва Али (р.а.)лардан ривоят қилинган хадисда шундай дейилган: “Расулulloх (с.а.в.) халифалиқ борасида ҳеч нарсани аҳд (васият) қилмаганлар”. Имом Байҳақий (а.р.) ўзининг “Далоил ан-нубувва” асарида Али (р.а.)дан санади ҳасан бўлган қуйидаги хадис ривоят қилган: “Жамал воқеаси содир бўлганда Али (р.а.) шундай деган: “Эй одамлар! Албатта, Расулulloх (с.а.в.) бу амирлик борасида бизга ҳеч нарсани аҳд (васият) қилмаганлар. Биз ўзимиз Абу Бакр (р.а.)ни халифа қилишни маъқул кўрдик. У ўз ишини бажарди ва Расулulloх (с.а.в.)нинг йўлларидан оғишмай борди. Сўнг Абу Бакр (р.а.) ўз раъйи билан Умар (р.а.)ни халифа қилиб тайинлади. У ҳам ўз ишини оғишмай тўғри бажарди. Унинг соясида дин мустаҳқаланди. Сўнг баъзи қавмлар чиқиб, дунё талаб қилдилар. Шунда Аллох тақдир қилган ишлар рўй берди”. Мазкур асарда ва Хоқим (а.р.)нинг “ал-Мустадрок” асарида Абу Воил (а.р.)дан қуйидаги саҳих хадис ривоят қилинган: “Али (р.а.)дан: “Ўзингизга ўринбосар тайинламайсизми?”, деб сўрашди. Али (р.а.): “Расулulloх (с.а.в.) ўзлари учун ўринбосар (халифа) тайинламадилар. Мен қандай қилиб тайинлайман. Лекин Аллох инсонларга яхшилиқни ирода қилса, мендан кейин уларни яхшилари атрофида жам қилади. Бу худди Расулulloх (с.а.в.)дан кейин бизларни энг яхшимиз атрофида жамлаганидек бўлади”, деди”. Мазкур хадислардан шу нарса аниқ бўладики, Расулulloх (с.а.в.) ўзларидан кейин ҳеч бир халифани тайинламаганлар. Бу аҳли суннанинг ижмоъсидир. Лекин Абу Бакр (р.а.) ўзидан кейин Умар (р.а.)ни халифа этиб тайинлаган. Имом Нававий (а.р.) шуларни мулоҳаза қилган ҳолда шундай хулоса қилади: “Мусулмонларнинг ижмоъсига кўра, халифа ўлим тўшагида ётганда ёки ундан олдинроқ ўзига ўринбосар тайинлаши ва васият қилиш жоиз. Чунки Абу Бакр (р.а.) шундай йўл тутган. Лекин ўзига ўринбосар тайинламасдан, умматга ҳавола қилиши ҳам дуруст саналади. Зеро, Расулulloх (с.а.в.) шундай йўл тутганлар. Шунингдек, халифа сайлашда Умар (р.а.)дек йўл тутиб, жамоанинг машвартига ҳавола қилиш ҳам мумкин”. Хулоса ўрнида етук ханафий олим Ибн Обидийн (а.р.)нинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: “Аҳли суннанинг ақидасига кўра, халифалиқ уч хил йўл билан амалга оширилади: 1. Байъат. Али (р.а.)нинг халифалиги бунга мисолдир. Мазкур вазиятда аҳли хилл ва ақд асосий вазифани бажаради. Бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтамиз. 2. Валиаҳд тайинлаш орқали. Бунга Абу Бакр (р.а.) тутган йўл мисол бўлади. 3. Эгаллаш, галаба қозониш ва бўйсундириш ҳамда қуч ишлатиб ҳокимиятни қўлга олиш. Агар бир раҳбар қуч билан ҳокимиятни қўлга олса, олдинги раҳбар вазифасидан озод этилади ва янги раҳбарга итоат қилиш вожиб бўлади. Янги раҳбар модомики шариатга ҳилоф иш тутмас экан, унга қарши бош қўтариш асло мумкин бўлмайди. Янги раҳбарда имомат шартларининг топилмаслиги ёки унинг золим бўлиши ниобатга олинмайди. Гоҳида ҳокимиятни қуч билан эгаллаш байъат билан бирга амалга оширилади. Бизнинг замонамизда (Ибн Обидийн (а.р.) 1198-1252/1783-1836 йилларда яшаган) султонлар айнан шундай йўл билан ҳокимият тепасига қиладилар”. Аҳли суннанинг халифалиқ билан боғлиқ қарашлари шулардан иборат. Ибн Халдун (а.р.) Соҳибқирон Амир Темурга айтган

сўзларида айнан шуларни назарда тутган эди (Каранг: Саъдуддин ат-Тафтазоний. Шарх ал-акоид ан-насафия. – ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма □ 411, 1910. – Б. 247-254; Мухаммад ибн Мухаммад ибн Махмуд ал-Хофизий ал-Бухорий. Фасл ал-хитоб би васл ал-ахбаб. – Тошкент: Орифжонов (ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма □ 418), 1912. – Б. 456-458, 483; □ Бадруддин Абу Мухаммад Махмуд ибн Ахмад ал-Айний. Умдат ал-корий – Шарх Сахих ал-Бухорий. Ж.24. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2009. – Б. 419-420; Абул Ало Мухаммад Абдурахмон Ибн Абдурахим ал-Муборакфурий. Тухфат ал-ахвазий би шарх Жамиъ ат-Тирмизий. Ж.6. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия. – Б. 391-400; Аллома Абут Таййиб Мухаммад Шамсулхакк ал-Азимободий. Авн ал-Маъбуд – Шарх Сунан Аби Давуд. Ж.8. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2009. – Б. 112; Хофиз Ахмад ибн Али ибн Хажар ал-Аскалоний. Фатх ал-барий – Шарх Сахих ал-Бухорий. Ж.13. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1997. – Б. 261-266; Мухаммад Такий ал-Усманий. Такмила Фатх ал-Мулхим би шарх Сахих ал-Имам Муслим. Ж.5. – Димашк: Дар ал-калам, 2006. – Б. 39-41; Имом Яхё ибн Шараф ан-Нававий ад-Димашкий аш-Шофеъий. Шарх Сахих Муслим. Ж.15. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2000. – Б. 126-127; Аллома ва мухаддис Али ибн Султон Мухаммад ал-Корий. Минах ар-равз ал-азхар фи шарх ал-Фикх ал-акбар. – Байрут: Дар ал-башаир ал-исламия, 1998. – Б. 182-206; Ал-Мавсуъа ал-фикхия. Ж.6. – Кувейт: Вакф ва исломий ишлар вазирлиги, 1993. – Б. 215-219; Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.6. – Кохира: Дар ал-хадис, 2006. – Б. 527; Мухаммад Амин ибн Умар ибн Абдулазиз – Ибн Обидийн. Радд ал-мухтар ъала ад-Дурр ал-мухтар. Ж.2. Байрут: Дар ал-маърифат, 2000. – Б. 331-336; Мухаммад Амин ибн Умар ибн Абдулазиз – Ибн Обидийн. Радд ал-мухтар ъала ад-Дурр ал-мухтар. Ж.3. Байрут: Дар ал-маърифат, 2000. – Б. 61-62; Мухаммад Амин ибн Умар ибн Абдулазиз – Ибн Обидийн. Радд ал-мухтар ъала ад-Дурр ал-мухтар. Ж.6. Байрут: Дар ал-маърифат, 2000. – Б. 401-402; Саъдуддин ат-Тафтазоний. Шарх ал-макосид. Ж.5. – Байрут: Дар ли ат-тибаъа ва ан-нашр, 1998. – Б. 232-290).

[10] Бану Ханафия атамаси “Ибн ал-Ханафия” лакаби билан машхур бўлган Абул Косим (Абу Абдуллох) Мухаммад ибн Али ибн Абу Толиб ал-Кураший ал-Хошимий ал-Маданий (а.р.)нинг авлодлари билан боғлиқ. Ибн Ал-Ханафия (а.р.)нинг отаси Расулulloх (с.а.в.)нинг куёвлари Али (р.а.) саналади. Онаси эса Хавла бинт Жаъфар ибн Кайс ибн Маслама ибн Саълаба Ибн Ярбуъ ибн Саълаба ибн ад-Дувал ибн Ханифа бўлиб, “Ханафия” номи билан аталган. У Абу Бакр (р.а.)нинг жорияси бўлган, кейинчалик уни Али (р.а.)га хадя қилган. Ибн ал-Ханафия (а.р.) ўз отаси Али, Абдуллох ибн Аббос, Усмон ибн Аффон, Аммор ибн Ёсир, Муовия ибн Абу Суфён, Абу Хурайра (р.а.)лардан хадис ривоят қилган. Шунингдек, ундан ўгиллари Иброхим, Хасан, Умар, Авн ва Абдуллохлар, Ато ибн Абу Рабох, Амр ибн Динор ва бошқа шу каби олимлар хадис ривоят қилганлар. Али (р.а.)дан шундай ривоят келтирилади: “Мен Расулulloх (с.а.в.)га шундай дедим: “Ё Расулulloх (с.а.в.)! Агар фарзандли бўлсам, уни Сизнинг исмингиз билан номлаб, унга Сизнинг кунянгизни бераман”. Расулulloх (с.а.в.): “Ха”, деб розилигини билдирди”. Ахмад ибн Абдуллох ал-Ижлий (а.р.) Ибн ал-Ханафия (а.р.) хақида шундай деган: “У Сика тобеъийлардан бўлиб, солих киши бўлган. Уч кишига “Абул Косим” куняси билан аталишга рухсат берилган. Улар Мухаммад ибн ал-Ханафия, Мухаммад ибн Абу Бкр ва Мухаммад ибн Талха ибн Убайдуллох (а.р.)лардир. Иброхим ибн Абдуллох ал-Жунайд

(а.р.) шундай деган: “Али (р.а.)дан хадис ривоят килишда Мухаммад ибн ал-Ханафия (а.р.)дан-да кўпрок ва сахихроқ хадис ривоят килган одамни билмаймиз”. Шиаларда Ибн ал-Ханафия (а.р.)нинг авлодлари “Бану Ханафия” номи билан тилга олинади. Аслида, Ибн ал-Ханафия (а.р.)нинг шиаларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, лекин шиалар уни ўзларига пешво ва имом санаб, қутилаётган “Махдий” сифатида билишади. Бу ақиданинг юзага келишида Куссайрнинг қуйидаги сўзлари сабаб бўлган: “У Махдийдир, буни бизга Каъб ал-Ахбор (р.а.) хабар берган”. Шунда Куссайрдан: “Каъб ал-Ахбор (р.а.) билан учрашганмисан?”, деб сўрашди. У: “Йўқ”, деб жавоб берди. Ундан: “Унда нега “Бизга буни Каъб ал-Ахбор (р.а.) хабар берган”, деяпсан?”, деб сўрашди ажабланиб. У: “Ўз тасаввурим, фикрим билан айтдим”, деган. Зубайр ибн Баккор (а.р.)нинг гувоҳлик беришича, Куссайр шиа оқимига мансуб бўлган харбий (шиа оқимининг баъзи қодаларига сунган холда хотинининг орқасига яқинлик қиладиган одам)лардан бўлиб, рухлар кўчиб юради, деган ақидани илгари сураб ва қуйидаги: **“У Сени Ўзи қайси суратни хоҳлаган бўлса,**

(ўша суратда)

таркиб топдирди-ку!”

(Инфитор сураси, 8-оят) оятни: “Кўрмайсизларми? Рух бир суратдан бошқа суратга ўзгариб туради”, деб ўз ақидасини химоя қилар эди. Шиалар Ибн ал-Ханафия (а.р.)ни ўлмаган, хозир тирик, деган ақидададирлар. Ибн ал-Ханафия (а.р.) Абу Бакр ёки Умар (р.а.)лар халифалиги даврида тугилиб, 73-хижрий (милодий 692) йили (80, 81, 82, 92 ва 93-хижрийда ваот этган деган қарашлар ҳам бор) Разво шахрида вафот этган ва Бакиъ кабристонига дафн қилинган. Шиаларнинг қайсония фирқаси Ибн ал-Ханафия (а.р.)нинг имомлигини даъво қилади. Бу даъвони илк бор ал-Мухтор ибн Абу Убайд ас-Сақафий илгари сурган. Қайсонийлар Ибн ал-Ханафия (а.р.)нинг имом бўлиш сабаби борасида турли фикрларни билдирадилар. Жумладан, баъзи қайсонийлар уни Али (р.а.)дан кейин халифа бўлган деб эътиқод қилиб, Жамал воқеасида Али (р.а.)нинг унга байрокни топширганини далил қилиб оладилар. Қайсонийларнинг бошқа бир гуруҳи эса, имомат Али (р.а.)дан сўнг Хасан (р.а.)га, кейинчалик Хусайн (р.а.)га ўтган. Язид ибн Муовия тахтга чиққанда Хусайн (р.а.) Мадинадан Маккага кетаётганда уқаси Ибн ал-Ханафия (а.р.)га халифаликни васият қилиб кетган, деган ақидада бўладилар. Шунингдек, Ибн ал-Ханафия (а.р.)нинг тирик ёки ўлганлиги борасида ҳам шиалар турли ихтилофларга борганлар. Жумладан, Абу Карб аз-Зарир асос солган қарбийлар фирқасининг ақидасига кўра, Ибн ал-Ханафия (а.р.) ўлмаган, хозир тирик. У Разво тоғида бўлиб, хузурида сув ва асалдан бўлган иккита булок оқиб туради ва у мазкур булоқлардан ризкланади. Ибн ал-Ханафия (а.р.)нинг ўнг тарафида шер ва чап томонида йўлбарс бўлиб, уни душманлардан химоя қилиб туради. Чунки у қутилаётган Махдийдир.

Қайсонийларнинг яна бир тоифаси Ибн ал-Ханафия (а.р.)нинг вафотини тан оладилар, лекин ундан сўнг ким имом бўлгани борасида ихтилоф қиладилар. Улардан бири имомат ибн ал-Ханафия (а.р.)дан сўнг Али ибн ал-Хусайн – Зайнулобидийн (а.р.)га ўтган деса, бошқалари Абу Хошим Абдуллох ибн Мухаммад ал-Ханафия имоматни васият орқали қабул қилиб олган, деган ақидададирлар. Шунингдек, мазкур имомат Абу Хошимдан сўнг кимга ўтганлиги хусусида ҳам ихтилоф қилганлар. Баъзилари имомат Мухаммад ибн Али ибн Абдуллох ибн Аббос ибн Абдулмутталибга ўтган деса, қолганлари Баён ибн Самъонга ўтган, деган фикрни билдирадилар

(Қаранг: Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.5. – Кохира: Дар ал-хадис, 2006. – Б. 55-66; Хофиз Жамолуддин Абул Хажжож Юсуф ал-Миззий. Тахзиб ал-камал

фи асмо ар-рижал. Ж.6. – Байрут: Муассаса ар-рисала, 2010. – Б. 444-445; Шамсуддин Абу Абдуллох Мухаммад ибн Ахмад ибн Усмон ибн Каймаз аз-Захабий. Шамсуддин Абу Абдуллох Мухаммад ибн Ахмад ибн Усмон ибн Каймаз аз-Захабий. Тазхиб Тахзиб ал-камал фи асмо ар-рижал. Ж.8. – Кохира: Ал-фарук ал-хадиса, 2004. – Б. 225-226; Хофиз Ахмад ибн Али ибн Хажар ал-Аскалоний. Тахзиб ат-Тахзиб. 9. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1994. – Б. 306-307; Абдулкохир ибн Тохир ибн Мухаммад ал-Багдодий ал-Исфируиний ат-Тамимий. Ал-фарк байн ал-фирак. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия. – Б. 26-27).

[11] Бану Аббос деганда Расулulloх (с.а.в.)нинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.)нинг авлодлари назарда тутилади. Мазкур сулола вакиллари Аббосийлар халифалигининг асосчилари сифатида тарихда колганлар. Юкорида таъкидланганидек, шиаларнинг акидасига кўра, Бану Ханафия вакили Абу Хошим халифаликни Абдуллох ибн Аббос (р.а.)нинг набираси Мухаммад ибн Алига васият килган ва шу тарика халифалик аббосийлар кўлига ўтган.

[12] Абу Хошим Абдуллох ибн Мухаммад Ибн ал-Ханафия ал-Хошимий ал-Алавий ал-Маданий отаси Ибн ал-Ханафиядан мутъа никохининг харомлиги хакидаги хадисни ривоят килган. Абу Хошимдан аз-Зухрий, Амр ибн Динор ва Солим ибн Абул Жаъд (а.р.)лар хадис ривоят килганлар. Абу Хошим шиалардан бўлиб, Мухаммад ибн Али ибн Абдуллох ибн Аббосга халифаликни васият килиб, унга ўз китобларини топширган. Абу Хошимнинг сулоласи шундан сўнг инкирозга учраган. Ибн Саъд (а.р.) Абу Хошим хакида шундай деган: “У сикалардан бўлиб, кам хадис ривоят килган. Шиалар уни ўз тарафдорлари каторида санашар эди. Абу Хошим вафоти олдидан Мухаммад ибн Алига васият килиб: “Сен бу иш (имомат) сохибисан ва бу иш сенинг авлодларингда бўлади”, деган. Шундан сўнг шиалар Мухаммад ибн Али томонга ўтадилар. Абу Хошим халифа Сулаймон (а.р.) даврида вафот этади. Имом Бухорий (а.р.)нинг гувоҳлик беришича, Абдуллох ибн Мухаммад сабоийларга эргашар эди (Сабоийлар Абдуллох ибн Сабаъ тарафдорлари бўлиб, улар Али (р.а.) ўлмаган, у Киёматдан олдин дунёга кайтиб келади ва дунёни адолатга тўлдиради, деган акидада бўлганлар). Ал-Хумайдий (а.р.) хам Суфён (а.р.)дан ривоят килиб шундай деган: “Абу Хошим сабоийлар хадисларини тўплаб юрар эди”. Ал-Ижлий (а.р.) у ҳақда шундай деган: “Иккаласи (Абу Хошим ва укаси Хасан) сикалардан. Абу Усоманинг айтишича, улардан бири шиа, иккинчиси эса муржиъий бўлган”. (Каранг: Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.5. – Кохира: Дар ал-хадис, 2006. – Б. 66-67)

[13] Абу Абдуллох Мухаммад ибн Али ибн Абдуллох ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ал-Кураший ал-Хошимий ал-Маданий Хумайма шахрида тугилган. Онаси Олия бинт Убайдуллох ибн Аббос. Мухаммад ибн Али икки аббосий халифа – Абул Аббос ас-Саффоҳ ва Абу Жаъфар ал-Мансурнинг отаси хисобланади. Мухаммад ибн Али

бобоси Абдуллох ибн Аббос, отаси Али ибн Абдуллох, Саъид ибн Жубайр (р.а.), Абу Хошим Абдуллох ибн Мухаммад ибн ал-Ханафия хамда Умар ибн Абдулазиз (а.р.)лар каби олимлардан хадис ривоят килган. Шунингдек, ундан Хабиб ибн Абу Собит, Хакам ибн Мусъаб, Абдуллох ибн Сулаймон ал-Мавсилиий, ўгиллари ас-Саффоҳ хамда ал-Мансур, Абдуллох ибн ал-Муаввал ал-Махзумий, Укайл Ибн Холид ал-Айлий, укаси Исо ибн Али ибн Абдуллох ибн Аббос, Хишом ибн Урва, Язид ибн Абу Зиёд ва шу каби олимлар хадис ривоят килганлар. Халифа ибн Хайёт (а.р.) Мухаммад ибн Алини шомлик олимларнинг учинчи табакасида санаган. Мухаммад ибн Саъд (а.р.) эса уни мадиналик олимларнинг тўртинчи табакасида зикр килган. Шиаларнинг акидасига кўра, Бану Ханафиялардан Абу Хошим Абдуллох ибн Мухаммад Ибн ал-Ханафия Мухаммад ибн Алига халифаликни васият қилиб, унга ўз китобларини топширади. Мухаммад ибн Али Абу Хошимнинг васийси саналади. Абу Хошим унга васият қилиб: “Бу иш (халифалик) сенинг фарзандларингда бўлади”, деган. Рашид ибн Курайб бу ҳақда шундай ривоят қилади: “Абу Хошим ибн Мухаммад ибн ал-Ханафия Шомга бориб, у ерда ас-Саффоҳнинг отаси Мухаммад ибн Али ибн Абдуллох ибн Аббосни учратади ва унга шундай деб васият қилади: “Эй амакимнинг ўгли! Менда бир илм бор, уни сенга беришни истайман. Бу илмни ҳеч кимга билдирмайсан. Одамлар ўрганишга умид боғлаган бу илм сенинг ичингда бўлади”. Шиалар Абу Хошим борасида турли ихтилофларга борар эдилар. Мазкур ходисадан сўнг бу ихтилофлар Мухаммад ибн Али билан боғлиқ бўлиб қолди. Абу Хошим хадис тинглаган олимлардан эди. Мухаммад ибн Али ҳам худди шундай олим эди. Абу Хошим вафоти олдида шундай деган: “Мен Мухаммад ибн Алидан ҳам олимрок ва яхширок ҳеч кимни билмайман”. Мухаммад ибн Али узун бўйли ва кўркам инсон бўлган. Исмоил ибн Али ал-Хабатий (а.р.) шундай деган: “Аббосийларнинг халифалик даъвоси Мухаммад ибн Али билан боғлиқ. Бу ҳаракат Валид (а.р.) халифалиги даврида, яъни 87-хижрий (милодий 705) йилда бошланган ва 124-хижрий (милодий 741) йилгача бу аббосийлар даъвоси кучайиб, аста-секин таркала бошлади. Мухаммад ибн Али аббосийлар даъватини хақида сўзлаган илк шахс саналади. У ўз даъвоси амалга ошмасдан вафот этган ва бу даъвони давом эттиришни ўгли Иброҳим ибн Мухаммадга васият қилган”. Халифа ибн Хайёт (а.р.) Мухаммад ибн Алининг вафотини 124-хижрий (милодий 741) йил дея қайд этган. Мухаммад ибн Саъд (а.р.) 125-хижрий деган бўлса, Иброҳим ибн Мухаммад ибн Арафа ан-Нахвий (а.р.) унинг вафотини 126-хижрий деб ёзади” (Каранг: Хофиз Жамолуддин Абул Хажжож Юсуф ал-Миззий. Таҳзиб ал-камал фи асмо ар-рижал. Ж.6. – Байрут: Муассаса ар-рисала, 2010. – Б. 445-446; Шамсуддин Абу Абдуллох Мухаммад ибн Ахмад ибн Усмон ибн Каймаз аз-Захабий. Таҳзиб ал-камал фи асмо ар-рижал. Ж.8. – Коҳира: Ал-фарук ал-хадиса, 2004. – Б. 227-228; Хофиз Ахмад ибн Али ибн Хажар ал-Аскалоний. Таҳзиб ат-Таҳзиб. 9. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1994. – Б. 308; (Каранг: Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.6. – Коҳира: Дар ал-хадис, 2006. – Б. 226).

[14] Абу Муслим Абдурахмон ибн Муслим ёки Абдурахмон ибн Усмон ибн Ясор ал-Хуросоний 100-хижрий (милодий 718) йилда тугилган бўлиб, аббосийлар давлати асосчиси, уммавийлар давлатини мағлуб этган саркарда ва даъватчи саналади. У гариб ва оддий инсон бўлган. Хуросонга келиб, тўққиз йил яшагач, мазкур ўлканинг волийси бўлади, уммавийлар давлатини кулатиб, аббосийлар давлатини барпо этади. Унинг

ислом оламидаги шухрати жуда кенг таркалган. Маъмур у ҳақда шундай деган: “Ер юзида давлатларни кўчириб юборган учта энг улуг подшоҳлар ўтган. Улар Искандар, Ардашер ва Абу Муслим”. Абу Муслим Собит ал-Банноний, Абуз Зубайр ал-Маккий, Мухаммад ибн али, Исмоил ас-Суда ва Абдурахмон ибн Хармала каби олимлардан ҳадис тинглаган. Шунингдек, ундан Иброҳим ибн Маймур ас-Соиг, факих Ибн Шибрима, Абдуллох ибн Муниб, Абдуллох ибн ал-Муборак ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Лекин Шамсуддин аз-Захабийнинг таъкидлашича, Ибн ал-Муборак (а.р.) Абу Муслимдан ҳадис ривоят қилмаган, балки уни кўрган, холос. Абу Муслим конхўр раҳбарлардан бўлиб, у бу борада Хаж жождан ҳам ўтиб тушган. У биринчилардан бўлиб давлатда қора либос кийиш одатини пайдо қилган. Ибн Халликон (а.р.) уни шундай тасвирлаган: “Абу Муслим қалта бўйли, бугдойранг, келишган ва истарали шахс бўлиб, чехраси очик, кўзлари қора, пешонаси кенг, соқоллари ўзига ярашган ва ширинсуханлиги билан ажралиб турар эди. У шеърият ва тарихни яхши билар, қулгу ва ҳазилни ўз вақтида қилар ва ҳар қандай ҳолатда ҳам қовоқ уймақ эди. У қатта шаҳарларни қатъ қилган бўлса-да, юзида ҳурсандчилик зоҳир бўлмас, қийин машаққатларга дучор бўлса-да, қамқам чўқмас эди, қазабланганда ақлини йўқотмас эди. Аёлларга бир йилда бир марта яқинлик қилар. Қолган вақтларда мамлакат ишлари билан банд бўларди”. У илк бор 124-ҳижрий Рамазон (милодий 742 йил июль) ойининг жума қунидан бошлаб Марвада кўзга кўрина бошлайди. У вақтларда Наср ибн Саййор ал-Лайсий уммавийларнинг сўнгги вакили Марвон ибн Мухаммад томонидан Хуросон волийси этиб тайинланган эди. Абу Муслим эллик қишлоқ аскарлари билан Наср ибн Саййорни Ирокка қочишига мажбур қилади. Абу Муслим амир Абу Далф ал-Ижлийнинг бобоси Исо ибн Маъқал ва унинг укаси Идрис ибн Маъқал билан ўзаро муносабат ўрнатади. Ирок амираи маъмур ака-укани хирожнинг тўхтаганлигида айблаб, зиндонга солади. Абу Муслим уларни кўргани зиндонга тез-тез бориб турар эди. Бу ҳодисалар Қуфада амир Халид ибн Абдуллох хибсага олинган қулларда содир бўлаган эди. Шу вақтда Имом Мухаммад ибн Али ибн Абдуллох ибн Аббос тарафдорлари Қуфага қелишади ва зиндондаги ака-ука Ибн маъқалларни зиёрат қиладилар. Улар зиндонда Абу Муслимни учратиб, унинг зийраклиги ва одобидан хайратга тушадилар. Абу Муслимда ҳам маъмур меҳмонлар яхши таассурот уйғотади. Абу Муслим аббосийлар даъватини ўша ерда ўрганади. Кейинчалик Исо ва Идрислар зиндондан қочиб, аббосийларга қўшилиш мақсадида Маккага йўл оладилар. Бу вақтда Мухаммад ибн Али вафот этиб, ўрнига Имом Иброҳим ўтирган эди. Ака-укалар Иброҳимга йигирма минг динор ва икки юзминг дирхам билан бирга Абу Муслимни ҳам ҳадя қиладилар. Абу Муслим шу тариқа Имом Иброҳим хизматида ўтади. Шунингдек, Абу Муслим қул бўлган, уни Исо ал-Ижлий тўрт юз дирхам эвазига Буқайр ибн Хомонга сотиб юборган, деган қарашлар ҳам мавжуд. Аббосий тарғиботчилар эса яна Хуросонга қайтиб кетадилар. Иброҳим Абу Муслимни Мусо ас-Саррожга жўнатади. Абу Муслим ундан ҳадис тинглаб, ёдлайди, сўнг Хуросонга йўл олади. Иброҳим Абу Муслимни Хуросонга жўнатаётганда шундай маслаҳат берган: “Исмингни ўзгартир, ўзингга қитобларда кўрган исмларингдан бирини танла. Шундагина биз бошлаган иш мувооффақиятли бўлади”. Шунда Абу Муслим исмини Иброҳимдан Абдурахмонга, қуниясини эса Абу Исҳоқдан Абу Муслимга ўзгартиради. Абу Муслим ўн тўққиз ёшида Абун Нажм Имрон ат-Тоийнинг қизига уйланади. Бу вақтда Хуросонда Наср ибн Саййор билан Ибн ал-Кармоний орасида уруш борар эди. Абу Муслим айёрлик билан Ибн ал-Кармонийни алдаб, унга қўшилади ва биргаликда Наср ибн Саййорга қарши жанг қиладди. Абу Муслим шу тариқа қул ва қўшин йигиб, Нисобурни эгаллаб олади. Сўнг у Сарахсга қўшин тортади ва қатли

ом уюштириб, у ерни хам эгаллайди. Шундан сўнг Абу Муслим ва Наср ибн Саййор кўшинлари тўкнаш келадилар ва бу жангда Абу Муслимнинг кўли баланд келади. Кейинчалик Абу Муслим амир Салам ибн Ахвазни ўлдириб, 130-хижрий йилнинг охири (милодий 748 йил август ойлари)да Хуросон ўлкасидаги шаҳарларни ўз хукмронлиги остига олади. Сўнг у Абдуллох ибн Муовия ибн Абдуллох ибн Жаъфар ал-Хошимийни хам енгиб, уни ўлдиради. Бир оз муддат ўтгач, Абу Муслим ўз саркардаси Кахтаба ибн Шубайбни Журжонга юборади. Кахтаба Журжон волийси ал-Кулобийни ўлдиради. Наср ибн Саййор эса яна кочишга мажбур бўлади. Халифа Марвон эса Абу Муслимнинг бу ишларидан жуда кийин вазиятга тушиб қолади. Чунки Яман, Макка ва Жазирада хам Марвонга карши кўзгалонлар бошланган эди. Ирок волийси Ибн Хубайра катта кўшин билан Кахтабага карши чиқади. 131-хижрий Ражаб (милодий 749 йил март) ойида бўлиб ўтган Исбахондаги бу жангда Кахтаба голиб келади. Сўнг Кахтаба Наховандни камал қилади ва тўрт ойдан сўнг уни эгаллайди. Наср ибн Саййор эса Райга кочиб, жон саклаб қолади ва ўша ерда вафот этади. Абу Муслим хокимиятга эришгач, олимларни писанд қилмай қўяди. Хатто олим Иброхим ас-Соигга хам насихат қилишга ўтади. 132-хижрий (милодий 750) йилда Ибн Хубайра билан Кахтаба орасида жанг бўлади ва бу жангда Кахтаба Фурот дарёсида чўкиб вафот этади. Унинг ўрнига ўгли Хасан лашкарбоши бўлади ва Куфага юриш бошлайди. Нихоят аббосийлар Куфага Ашуро куни кириб келадилар, Куфа волийси Зиёд ибн Солих кочиб, Восит шаҳридан панох топади. Бу орада Абу Муслим Мухаррам ойида кўплаб инсонларни қиличдан ўтказди, улар орасида ал-Кармоний хам бор эди. Абу Муслим ал-Кармонийнинг тахтига чиқади, ва хутбада Абул Аббос ас-Саффоҳга дуо ўқийди. Шу йили Абул Аббос ас-Саффоҳга халифа сифатида байъат қилдилар. 133-хижрий (милодий 751) йили Бухорода Шарик ал-Махрий бошчилигида ўттиз минг аскар Абу Муслимга карши кўзгалон кўтаради. Чунки Шарик Абу Муслимнинг қонхўрлик билан олиб бораётган сиёсатидан норози эди. У Абу Муслимга қарата: “Биз Расулulloх (с.а.в.)нинг аҳли байтига бундай зулм учун эргашмадик”, дея ошқора қаршилик кўрсатади. Абу Муслим бу кўзгалонни хам бостириб, Шарикни қатл этади. Шу йили ас-Саффоҳнинг акаси ал-Мансур Хуросонга Абу Муслимнинг олдига келади. У Абу Муслимнинг нуфузи тобора ортиб бораётганидан хавфсираб, акасига Абу Муслимни лавозимидан бўшатишни сўрайди, лекин ас-Саффоҳ бунга кўз юмади. 136-хижрий (милодий 754) йили Абу Муслим ас-Саффоҳнинг изни билан Куфага келади. Ал-Мансур акасини Абу Муслимни ўлдиришга ундайди. Лекин ас-Саффоҳ яна рад жавобини беради. Шу йили Абу Муслим ва Абу Жаъфар ал-Мансур биргаликда ҳаж қилдилар. Улар ҳаж маросимларини бажараётганларида ас-Саффоҳнинг вафот этгани хақида хабар тарқалади. Шу ондан бошлаб халифалик унинг акаси Абу Жаъфар ал-Мансурга ўтади. Бу орада амакиси Абдуллох ибн Алининг халифалик истагида кўзгалон кўтаргани учун ал-Мансур Абу Муслимни ўлдириш фикридан қайтади ва аксинча амакисини бартараф қилишда ундан фойдаланиш лозимлигини режалаштиради. Абу Муслим катта қийинчилик билан Абдуллох ибн Алини енгади. Ал-Мансур Абу Муслим қўлга қиритган ўлжаларни олиш учун ўз мавлосини юборади. Бундан Абу Муслим қаттиқ газабланади. Ал-Мансур уни юмшатиш учун Миср ва Шомни беради. Лекин Абу Муслим Хуросонга қайтади. Аммо ал-Мансур ўз замонасининг дохийси бўлган Жарир ибн Язид ибн Жарир ал-Бижлийни жўнатиб, Абу Муслимни қайтариб олиб келади. Абу Муслим Мадоинга ал-Мансурнинг хузурига келади. Ал-Мансур уни ўша ерда ўлдириб, жасадини Дажлага ташлайди. Бу ходиса 137-хижрий Шаъбон (милодий 755 йил январь) ойида содир бўлган эди. Ўшанда унинг ёши ўттиз еттида бўлган. Абу Муслим вафотидан сўнг

Хуросонда халифага карши Сунбод исмли мажусий томонидан кўзгалон кўтарилади. Сунбод Абу Муслимнинг ўлдирилишидан каттик норози бўлиб, у Нисобур ва Райни эгаллаб олади. Ал-Мансур олтмиш минг кишилик бу кўзгалонни бостиришга мувоффақ бўлади Абу Муслим вафотидан сўнг унинг зафарли юришлари, сийрат ва манокіблари шиалар ва махаллий аҳоли орасида кенг тарқалди. Жумладан, баъзи зиндиклар Аллох таоло Абу Муслим ал-Хуросонийнинг ичига жойлашган, деган бузук ақидани ҳам тарқатганлар. Айниқса, Абу Муслим билан боглик киссалар ва жангномалар хозиргача форс ва туркий халқларда учраб туради (Каранг: Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.5. – Кохира: Дар ал-хадис, 2006. – Б. 219-237).

[15] Абул Аббос Абдуллох ибн Мухаммад ибн Али Ибн Хибрулумма Абдуллох ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Хошим ибн Абдуманоф ал-Кураший ал-Хошимий ал-Аббосий 105-хижрий (милодий 723) йилда тугилган бўлиб, илк аббосий халифа саналади. У ёш, хайбатли, ок танли, узун бўйли ва викорли шахс бўлган. 132-хижрий Рабиъ ал-аввал ойининг учинчи куни (750 йил 22 май) Куфада Валид ибн Саъд ховлисида Абул Аббос ас-Саффоҳга халифа сифатида байъат қиладилар. Ас-Саффоҳ уммавий халифа Марвонга какшатқич зарба беради. Марвон Шомга қочишга мажбур бўлади. Ас-Саффоҳнинг амакиси Абдуллох ибн Али уни таъкиб қилиб, Дамашкка келади ва у ерда уч соат ичида уммавийларнинг эллик минг аскарини ўлдириб, аббосийларнинг галабасини таъминлайди. Марвон оз сонил аскар билан Мисрга қочади ва Мисрнинг Бувайсир қишлоғида қатл қилинади, икки ўғли эса Нуба шаҳрига қочадилар. Ас-Саффоҳнинг ҳокимият тепасига келишида Абу Муслим ал-Хуросонийнинг хизмати катта бўлган (Каранг: Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.6. – Кохира: Дар ал-хадис, 2006. – Б. 225-226; Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.6. – Кохира: Дар ал-хадис, 2006. – Б. 239-241)

[16] Ислом шариатида олимлар, раҳбарлар ва ҳокимиятда ўз ўрнига эга бўлган нуфузли одамлардан ташкил топган обрўли шахслар “хилл ва ақд ахли” (бўшатиш ва боглашга ҳақли бўлганлар) деб юритилади. Бир сўз билан айтганда улар сайловчилардир. Шунингдек, фикхий асарларда “ахли ихтиёр” ва “ахли шўро” атамалари ҳам учрайди. Ахли ихтиёр – танланганлар имом (давлат раҳбари)ни сайлайдиган махсус гуруҳ бўлиб, улар ахли хилл ва ақддан танлаб олинади. Ахли хилл ва ақднинг барча аъзолари ёки баъзилари ахли ихтиёр бўлиши мумкин. Ахли шўра (машварат аъзолари)га келсак, ислом тарихи борасидаги тадқиқотларга синчковлик билан қаралса, ахли хилл ва ақд билан ахли шўро орасида фарқ мавжудлигини илгаш мумкин. Ахли шўронинг аъзоларида топилиши керак бўлган асосий сифат илм, яъни олимлик бўлса, ахли хилл ва ақд аъзоларидан асосан обрў-эътиборли бўлиш талаб этилади. Жумладан, Абу Бакр (р.а.)га халифа сифатида байъат қилганлар орасида Умар, Усмон, Абдурахмон ибн Авф, Муоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит ва Башир ибн Саъд (р.а.)лар бўлган. Лекин Абу Бакр (р.а.) бирор ишда иккиланса, Башир ибн Саъд (р.а.)дан бошқа юқорида зикр қилинган саҳобалар билан маслаҳатлашар эди. Чунки мазкур саҳобийлар муфтий, яъни

фатво бериш билан ҳам шугилланар эдилар. Башир ибн Саъд (р.а.) эса фатво ахлидан эмасди. Аммо Башир (р.а.)нинг обрӯси баланд бўлган, шу боис халифа сайлаш ишларида катнашган. Айтишларича, ансорлар ичида биринчи бўлиб Башир ибн Саъд (р.а.) Абу Бакр (р.а.)га байъат қилган. Демак, халифа (имом) сайлашда ахли хилл ва акднинг овозигина қабул қилинади. Лекин сайлаш ҳуқуқига ҳамма ҳам эга бўла олмади. Чунки ахли хил ва акдда қуйидаги сифатлар топилиши шарт: 1. Шаходат (гувоҳлик)да вожиб бўлган шартларни ўзида жамлаган адолат. Яъни, мусулмон, балогатга етган бўлиши ҳамда фосиклик иллати бўлмаслиги ва муруввати мукамал бўлиши лозим. Мурувват деганда ислом шариатида зид бўлган ахлоқсизлик ва одобсизликлардан узок бўлиш тушунилади. Баъзи олимлар бозор ва кўчаларда таомланишни ҳам мурувватсизлик санаганлар. 2. Илм. Яъни, ахли хилл ва акд аъзолари имомат шартлари ва унга ҳақли бўлганларда топилиши керак бўлган сифатларни билишлари лозим. Бунинг учун фикх илмидан яхши хабардор бўлиш талаб этилади. 3. Райъ ва хикмат. Яъни, имомат учун энг лойиқ шахсни танлай оладиган даражада мустақил фикрга эга бўлиши лозим. 4. Шавкат. Яъни, одамлар орасида ўз обрӯсига эга бўлиши, инсонларни ортидан эргаштира олиш қобилиятига эга бўлиши шарт. 5. Ихлос ва насихат. Яъни, нияти холис бўлиши ҳамда мусулмонларга факат фойдани кўзлайдиган шахс бўлиши даркор. 6. Ижтиҳод. Шофеъий факихлари яна бир шарт қўшганлар, яъни имом сайлаш ахли ихтиёрдан бир кишига топширилган бўлса, у имомат масаласида мужтахид бўлиши, агар кўпчилик ихтиёрига топширилган бўлса, ахли ихтиёр орасида битта мужтахид бўлиши шарт. Мазкур сифатлар топилган барча инсонлар халифа сайлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Лекин шуларнинг ичидан ҳам ахли ихтиёрлар танлаб олинади. Ахли ихтиёр икки йўл билан танланади: 1. Халифанинг ўзи танлаб олади. Масалан, Умар (р.а.) бетоблигида саҳобалар орасидан олтитасини танлаб, халифа сайлаш ҳуқуқини уларга топширган ҳамда бу саҳобаларнинг кўз ўнгида рўй берган ва ҳеч бир саҳобий бунга қаршилик кўрсатмаган. Холбуки, барча саҳобийларда ахли хилл ва акд сифатлари топилар эди. 2. Хозир бўлганлар ахли ихтиёр саналади. Яъни, агар халифа ҳеч қимни танламаган бўлса, сайлов вақтида катнашаётган ахли хилл ва акд аъзолари ахли ихтиёр ҳукмида бўладилар. Масалан, халифа Усмон (р.а.) ўлимидан олдин ҳеч қимни ахли ихтиёр сифатида тайинлаб қетмаган. Лекин вазият такозоси билан баъзи саҳобалар Али (р.а.)га байъат берганлар. Байъат берган мазкур саҳобалар ахли ихтиёр ҳисобланади. Ахли хилл ва акд аъзолари қуйидаги ваколатларга эга бўладилар: 1. Халифа ва имомни сайлаш. Бу борада ахли сунна орасида ихтилоф йўқ. Бунга ахи суннанинг барчаси ижмоъ қилган. 2. Имом вафот этганда валиахдга янгитдан байъат бериш, яъни валиахдда баъзи қамчиликлар юз берган бўлса, масалан, у валиахд деб эълон қилинганда балогатга етмаган бўлса ёки фосик ишлар билан шугилланган бўлса, кейинчалик имом вафот этганда балогатга етса ёки адолатли шахсга айланса, унинг халифалиги ва имомати дурус бўлмайди. Бундай вазиятларда ахли хилл ва акд янгитдан валиахдга байъат беришлари лозим бўлади. 3. Имом вафот этганда валиахдни чақириш. 4. Имомнинг ноибини тайинлаш. Яъни, имом вафот этгач, валиахднинг етиб келиши узокка чўзилса ва бундан мусулмонлар азият чекса, ахли хилл ва акд валиахд учун ноиб тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай вазиятда унга ноиб сифатида байъат берадилар, халифа ёки имом сифатида эмас. 5. Имомни вазифасидан озод этиш. Яъни, вазият такозосига кўра имомни бўшатиш. Имом сайлашда ахли хилл ва акднинг қанча қисми иштирок этиши лозим, деган саволга факихлар турлича жавоб берганлар. Жумладан, Имом ал-Ашъарий (а.р.): “Раъй соҳиби бўлган олимлардан бир киши қифоя қилади.

Лекин у содир бўлиши мумкин бўлган келишмовчиликларни бартараф килиш учун сайловни хамминг гувоҳлигида амалга ошириши шарт”, деган. Ханбалий олимлар: “Имом сайлашда хар бир шахарнинг аксарият ахли хилл ва акд аъзолари иштирок этишлари шарт. Имом Ахмад (а.р.) бу хакда шундай деган: “Имом шундай кишики, унга хамма ижмоъ килади. Уларнинг барчаси: “Бу имом”, дейди”, деган фикрни билдирадилар”. Шофеъий олимларининг баъзилари фикрига кўра, имом камида беш киши билан сайланиши керак. Бешовларининг барчаси унга ижмоъ килиши ёки тўрттаси бирининг карорига рози бўлиши хам мумкин. Шунингдек, мўътазилийлар хам сайловда бешта олим иштирок этиши лозимлигини таъкидлаганлар. Баъзи тоифа олимларнинг таъкидлашича, имом сайлашда киркта ахли хилл ва акд аъзолари иштирок этишлари шарт саналади. Ханафий ва шофеъий факихлар шундай хулоса берганлар: “Имом ахли хилл ва акднинг бир гурухи томонидан сайланади, уларнинг аник адади белгиланмаган” (Каранг: *Ал-Мавсуъа ал-фикхия. Ж.7. – Кувайт: Вақф ва исломий ишлар вазирлиги, 1993. – Б. 115-117; Мавсуъа ал-фикхия. Ж.6. – Кувайт: Вақф ва исломий ишлар вазирлиги, 1993. – Б. 218-219*).

[17] Абу Жаъфар Абдуллох ибн Мухаммад ибн Али ал-Хошимий ал-Аббосий ал-Мансур 95-хижрий (милодий 713) йилда тугилган. У бугдойранг, узун бўйли, озгин, хайбатли, яноклари ингичка, юзлари йирик, пешонаси кенг, киргийбурун шахс бўлиб, кўзлари гўё сўзлаётгандек чакнаб турар, калбларни тез забт этар, эътиборни ўзига жалб кила олар ва кора рангли хина ишлатар эди. Шунингдек, ал-Мансур аббосий рахбарлар ичида энг хайбатли, шижоатли, мустикал фикрга эга, азм-карорли, дахо, каттиккўл рахбар бўлган. У мол-мулк йигишга жуда ўч бўлиб, ўйин-кулгуни хушламас, мукамал акл сохиби, фикх, адабиёт ва илмда яхши музокара кила оладиган инсон бўлган. Ал-Мансур кўнгилсиз ходисаларнинг олдини олиш учун хаддан зиёд маблаг сарфлар эди. АбуИсхок ас-Саъолибий (а.р.)нинг айтишича, ал-Мансур бахиллиги билан танилган. У вафот этганда тўккиз юз миллиондан ортик дирхам микдорида мерос колдирган. У мунажжимларга кулок солар ва уларга хазинасидан маблаг ажратиб турар эди. Ал-Мансур амакиси Абдуллох ибн Али ва унинг икки ўгли бошлаган кўзгалонларни Абу Муслим ал-Хуросоний ёрдами билан бостиради. Кейинчалик ал-Мансур Абу Муслимни хам катл килади. Ал-Мансур Андалусдан бошка барча исломий шахарларни ўз хукми остида саклаган. У давлат бошқаруви ва карор кабул килишда уммавийларнинг уч халифаси – Муовия (р.а.), Абдулмалик ва Хишом (а.р.)лардек иш тутар эди. Ал-Мансур 158-хижрий Зулхижжа (775 йил октябрь) ойида Хаж килиш учун сафарга отланади ва Маймун кудуги олдида етганда вафот этади (Каранг: *Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.6. – Кохира: Дар ал-хадис, 2006. – Б. 526-529*).

[18] Абу Ахмад Абдуллох Ибн ал-Мустансир биллах Мансур Ибн аз-Зохир Мухаммад Ибн ан-Носир Ахмад Ибн ал-Мустазиъ ал-Хошимий ал-Аббосий ал-Багдодий 609-хижрий (милодий 1212) йилда тугилган. У 640-хижрий 10-Жумадал ахира (милодий 1242 йил 5

декабрь)да отасининг ўрнига халифа этиб тайинланади. Ал-Мустаъсим Куръонни кўп тиловат килувчи фозил, саховатпеша, халим, гўзал суратли ва ички дунёси соглом шахслардан бўлиб, хусни хат сохиби бўлган. У ибн ан-Наййорга Куръонни тўлик хатм килиб топширган ва устозига хатм куни олти минг динор (тилла танга) тортик килган. Халифаликка тайинланган куни ўн уч мингдан ортик кийим хадя килинган. Ал-Бозрой ва Мухйиддин Ибн ал-Жавзийлар ал-Мустаъсимдан ижоза олганлар. Ал-Мустаъсим ота-боболари каби Куръон ва суннатга каттик амал киладиган олим бўлса-да, лекин улардек зийрак ва олийхиммат бўлмаган. У мулойим ва кучсиз бўлгани учун айрим гайрли кимсалар кўмагида халифалик курсига чиккан. Чунки гайри кимсалар уни осон ва ўзлари истагандек бошқара олишни режалаштирган эдилар. Ал-Мустаъсим рофизийлардан ал-Муайяд Ибн ал-Алкамийни вазир этиб тайинлайди. Вазир кўплаб бузгунчиликларни амалга оширади, халифани мол-мулк йигишга ўргатади ва уни харбий аскарлар сонини камайтиришга кўндиради. Вазир жума намозини бекор килишга ва рофизийлар мадрасасини очишга кўп харакат килади, лекин орзусига ета олмайди. 641-хижрий (милодий 1243) йилда Хоразмийлар Шомга хужум киладилар. Мўгиллар Рум волийси билан минг динор, отлар, куллар ва жориялар эвазига сулх тузади ва Кайсарияни кўлдан бой беради, Дамашкдаги Козиюлкузот ар-Рафиъ ал-Жийлий халок бўлади. Шу йили французлар Куддус шахрини эгаллаб, у ерда хамр ичиш ва тўнгиз сўйиш каби турли номакбул ишларни амалга оширадилар. 642-хижрий (милодий 1244) йилда Хоразмийлар Миср хокимига ёрдам бериш мақсадида Дамашкни камал киладилар. Камал каттик бўлади. Сўнг Аскалон ва Газа шахарларида шомликлар ва мисрликлар кўшини тўкнаш келади. Шомликлар аскарлари таркибида французлар, мисрликлар таркибида эса хоразмликлар хам бор эди. Орада каттик жанг бошланади. Хоразмликлар бир соат ичида французларни кириб ташлаб, саккиз юзта французни асирга оладилар. Жангда умумий ўттиз минг аскар халок бўлади. 643-хижрий (милодий 1245) йилда хам Дамашк камали давом этади. Натижада ас-Солих Исмоил ва Химс хокими шахарни ташлаб, Баълабаккага кочадилар. Дамашкни эса Муъинуддин Хасан Ибн аш-Шайх эгаллайди ва Мухйиддин Ибн аз-Закийни козилик мансабидан бўшатади. 644-хижрий (милодий 1246) йилда хоразмийлар Халабга юриш киладилар. Жангда Халаб ва Химс лашкарлари маглубиятга учрайди. Шу йили татарларнинг икки элчиси Ибн ал-Алкамийнинг хузурига келадилар. Шу каби ички зиддиятлар аббосийлар давлатининг кулашига секин-аста замин яратади. 654-хижрий (милодий 1256) йилда Расулulloх (с.а.в.) ваъда килган Киёматнинг катта аломатларидан бири рўй беради. Яъни, Мадинада олов чиқади ва узок вақт давом этиб, тошларни хам еб юборади. Мадиналиклар Аллохга тавба килиб, Ундан панох сўрайдилар. Маккаликлар Мадинадаги оловнинг нурларини кўриб турадилар. Шу йили Куёш ва ой тутилади, Багдодда катта сув тошқини рўй бериб, кўпчиликнинг хаётига зомин бўлади, уйлар вайрон бўлади, сув девор бўйи кўтарилади. Мазкур йили Рамазонда Расулulloх (с.а.в.)нинг Масжидлари ёниб кетади. Шу йилда аббосийлар давлатининг сўнгги онлари бошланади, яъни Чингизхон авлодидан бўлган Хулаку ибн Тули ибн Чингизхон юз минглик кўшин билан Рум шахарини ишгол килади. 655-хижрий (милодий 1257) йили Багдодда мусулмонлар ва рофизийлар ўртасида каттик жанг бўлади. Жангда кўплаб мусулмонлар халок бўлади, вазир Ибн ал-Алкамий осиб ўлдирилади. Бу вақтда Хулаку элчиси Багдодга келади. Халифа ҳеч нарса кила олмайди. Дамашк хокими Хулакуга таслим бўлади. Миср хокими ал-Муъизз Ойбек бир йил олдин хотини томонидан ўлдирилган, шу боис мисрликлар рахбарсиз қолган эди. Рум хокими эса мўгуллардан кўркиб қочиб кетган эди. Хулаку ҳеч қандай қаршиликсиз бостириб қиради

ва кўплаб мусулмонларни ўлдириб, колганларини асирга олади, уйларни эса ёкиб юборади. 656-хижрий (милодий 1258) йилда Хулаку Багдодга юриш қилиб, уни эгаллайди. Мавсил хокими Луълуъ ва Ибн Салоялар Хулакуга мактуб ёзиб, насихат қиладилар. Лекин бу фойда бермайди. Хулаку мўгул, турк ва курдлардан таркиб топган лашкари билан Багдоднинг гарбий, баъзи ривоятларда шаркий томонига жойлашиб, калъа тиклайди. Луълуу хам Хулакуга кўшилади. Вазир халифани сулх тузишга кўндиради ва ўзи Хулакунинг хузурига бориб, фитна уюштиради. Вазир ўз жонини саклаб қолиш эвазига халифага хиёнат қилишни таклиф қилади. Хулаку бу таклифга рози бўлади. Вазир қайтиб келгач, халифага: “Кон (Хокон) ўз кизини ўглингиз Абу Бакрга никохлаб бермокчи. Шу йўл билан сиз ўз мансабингизда коласиз ва Коннинг кўл остида мамлакатни бошқарасиз. Хулакунинг хузурига борниг”, деб ёлгондан маслахат беради. Халифа ал-Мустаъсим давлат арконлари билан бирга тўй қилиш учун отланадилар. Лекин вазирнинг ёлғони туфайли хаммалари халок бўлади. Халифа ал-Мустаъсим ва ўгли Абу Бакрни ўлгунга қадар тепадилар. Шамсуддин аз-Захабийнинг фикрига кўра, Халифа ал-Мустаъсим осиб ўлдирилган. Баъзи тарихчилар гам-ташвишдан касал бўлиб, тўшакка михланиб ўлган, деган фикрни хам билдирганлар. Халифа билан бирга унинг ўгиллари Ахмад ва Абдурахмон хам катл қилинади. Ал-Мустаъсимнинг ўгли Муборак хамда кизлари Фотима, Хадича ва Марямларни мўгуллар асир қилиб олиб кетадилар. Хулаку Багдодда жуда кўп мусулмонни катл қилади, кон дарё бўлиб окади. Халок бўлганлар сони ривоятларда саккиз юз мингдан бир миллион саккиз юз минггача деб кўрсатилган. Шундан сўнг Багдод ахлига омонлик эълон қилинади. Хоин вазирга берилган ваъдалар бажарилмайди, у хам хор бўлиб халок бўлади. Сўнг Хулаку ўлжа ва асирларни олиб, Озарбайжонга кетади. Халифа ал-Мустаъсимнинг авлодлари Шамсуддин аз-Захабий яшаган давр (673-748/1274-1347 йиллар)да Озарбайжонда яшашгани тарихдан маълум. Аббосийлар давлати 132-хижрий (милодий 749) йилдан бошланиб, 656-хижрий (милодий 1258) йилгача – жами 524 йил давом этган ва ал-Муътасим вафотидан сўнг инкирозга учраган (Каранг: *Шамсуддин аз-Захабий. Сияр аълам ан-нубала. Ж.16. – Кохира: Дар ал-хадис, 2006. – Б. 379-385*)

[19] Абдурахмон ибн Мухаммад ибн Халдун. Тарих Ибн Халдун. Ж.2. – Байрут: Дар Ибн Хазм, 2003. – Б. 3124-3125 .